



21
(1339)-son
25-may
2018

Xabar

ERURSEN SHOJ, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ПЕТИЦИЯ ВА "МЕНИНГ ФИКРИМ"

Бир йил ичида икки хил манзара **4-бет**

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Кибермаконнинг очик ва аччиқ ҳақиқатлари **5-бет**

ЎЗБЕКИСТАНЦЫ ЗАНЯЛИ 3 МЕСТО

в международном конкурсе, взломав банкомат за 15 минут **6-бет**

10 САВОЛГА 10 ЖАВОБ

Ойлик иш ҳақининг бир куни шанбаликларга ушланиб қолиниши тўғрими? **8-9-бетлар**

МАСЛАҲАТ

Смартфондан бу нарсаларни ўчириб ташланг! **11-бет**

ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ АХБОРОТ

Улардан ёшларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари **16-бет**

ЎЗБЕКИСТОН
"ЭЛЕКТРОН" ҲУКУМАТИ:

2018 ЙИЛДА

50дан ОРТИҚ ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ ЖУРИЙ ЭТИЛАДИ.

ХИЗМАТЛАРНИНГ

70 физик —
фуқаролар,

30 физик —
тадбиркорлар

УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.



СТАРТ

АКТ соҳаси янги марралар сари отланди

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетиди Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг #MITCROADMAP2018 анжумани ташкил қилинди.

Анжуманда хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган дипломатик ваколатхоналари, вазирлик ва

идоралар вакиллари, мобил операторлар, интернет провайдерлар, IT-компаниялар вакиллари, тадбиркорлар, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетларининг иқтидорли талабалари, жами 400 нафардан зиёд киши иштирок этди. Анжуманда 2018-2019 йилларда Ўзбе-

кистоннинг ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича "Йул харитаси"да кўзда тутилган долзарб масалалар, АКТ соҳаси, IT-таълим ривожининг тенденциялари, давлат ва бизнес ҳамкорлигидаги муаммолар рўйирост баён қилинди.

2-3-бетлар

БУ ҲАФТАДА

VIBER АСОСЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШЯПТИ

АҚШ, Исроил ва Беларуснинг ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи экспертлари Mirzo Ulugbek Innovation Center таклифига кўра Ўзбекистонга келяпти. Булар орасида Viber асосчилари — Марко Талмон ва Игорь Магазинник, Strategicast компанияси президенти Анатолий Моткин ҳамда АҚШнинг "International Tax and Investment Center" компанияси минтақавий директори Муҳит Ахановлар бор.

Ташриф 28-29 май кунларига мўлжалланган бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон ҳукумат делегацияси ўтган йилнинг сентябр ойида АҚШга борганида келишиб олинганди.

Экспертлар Ўзбекистонга нафақат танишиш мақсадида келишяпти, балки амалий аҳамиятга эга режалари ҳам бор:

■ Хусусан, улар Ўзбекистондаги солиқ қонунчилиги ва ислохотлари билан танишадилар,



халқаро тажриба асосида ахборот технологиялари жиҳатидан уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришди;

■ IT-соҳада бизнесни ривожлантириш бўйича MUIС резидентларига маслаҳатлар беришди;

■ Ўзбекистонда дунё бозоридаги энг талаб юқори йўналишлар бўйича IT-курслар очиш ва кадрлар тайёрлаш.

Viber компанияси вакиллари, шунингдек, мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорида тўридан-тўғри сармоя киритишни режалаштиряпти.

Реклама


ALSKOM
SUO'RTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

ИПОТЕКА СУҒУРТАСИ



Тел.: 147-11-00;
Факс: 147-22-00
Хизматлар аниқталаганда

Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси,
109-уй.
www.alskom.uz



СТАРТ

◀1-бет. АКТ соҳаси янги марралар сари отланди

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19-20 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** 21 май кунини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** 22 май кунини мамлакатимизда расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгуни қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлиқни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки томонлама тадбирлар ўтказиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

► Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Пўлат Бобононов ва Тожикистон Республикаси ички ишлар вазири Рамазон Ҳамро Раҳимзода билан расмий учрашув бўлиб ўтди.

► **Жорий йил 19-23 май кунлари Европа Иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Кенгаши** ишчи гуруҳи делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан танишиш, янги минтақавий сиёсат юзасидан фикр алмашини ҳамда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама этиш мақсадида мамлакатимизда бўлди.

► Тошкент шаҳрида 23 май кунини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий ҳисоботи доирасида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузаси якунларига бағишланган брифинг ташкил этилди. Тадбир доирасида БМТ Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзбекистонда БМТ Низоми ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишни кўлаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳа имзоланди.



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим АХМЕДХАДЖАЕВ.

Ўзбекистонда "ақлли ҳукумат" лойиҳаси яратилади

#MTCROADMAP2018 анжуманида Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация технологияларининг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқбол хусусида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев сўзлаб берди.

Ўзбекистонда қарийб 23 миллион нафар мобил алоқа абоненти, 20 миллиондан зиёд интернет фойдаланувчилари бор. "Электрон ҳукумат" тизими доирасида вазирликлар ва идоралар 350дан ортиқ интерактив давлат хизматларини кўрсатмоқда.

— Мен вазирлик лавозимига киришганимдан бери 1500 атрофида мурожаат келиб тушган бўлса, шуларнинг асосий қисми интернет тезлигининг пастлиги ва нархи бошқа мамлакатларникидан бир неча баравар қimmatлиги ҳақида бўлди, — деди Азим Ахмедхаджаев. — Сўзсиз, бу мамлакатимизнинг рақамли шаклланиш жараёнини сувайтириб қўлади. Ўтган йилнинг май ойида ташқи канал ўтказувчанлиги 65 Гбит/с. эди, бугун бу рақам 160 Гбит/с.гачани ташкил қилади. Йил охиригача биз халқаро боғлама-ларимиз ўтказувчанлигини 10 бараваргача оширишни режалаштирганмиз, бу Ўзбекистон абонентлари учун режали тарзда интернет тезлигини ошириб бориш имконини беради.

Соҳа раҳбари анжуманда электрон ҳукуматнинг янги стратегиясини тақдим этди. Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг янги стратегиясида инновацион "Smart Government Uzbekistan" — "Ўзбекистон ақлли ҳукумати" лойиҳасини яратиш кўзда тутилган. Жаҳоннинг энг яхши тажрибаларини ўзида жамлаган ушбу стратегия 2021 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Биргина 2018 йилнинг ўзида талаб энг юқори бўлган 50дан ортиқ давлат хизматларини жорий этиш режалаштирил-

ган бўлиб, шуларнинг 70 фоизи фуқаролар, 30 фоизи тadbirkorлар учун мўлжалланган. "Smart Government Uzbekistan" бу:

● Мобил ҳукумат — давлат хизматлари кўрсатилиши механизмининг такомиллаштирилиши, аҳоли ва бизнес эҳтиёжларига тезкор жавоб бериш

● 24/7 — аҳолининг талабларига исталган вақтда, исталган жойда, исталган ахборот узатиш воситасида жавоб беришга маъсул ҳукумат

● Доимий ислох этиб бориувчи ҳукумат — бюрократик ва ортиқча жараёнларни йўқ қилиш мақсадида маъмурий ишларни оптималлаштириш

● Очiq ҳукумат — йил давомида 400дан ортиқ очiq маълумотлар тўпламини шакллантириш.

Азим Ахмедхаджаев БМТ электрон ҳукуматлар рейтингини ҳамда "Global Open DataIndex" индекси "ТОП-50" лигига кириш мақсадларини ҳақида ҳам сўз юритди.

Яқин келажакда Ягона ташқи савдо операциялари электрон ахборот тизимларини такомиллаштириш, UZ E-Visa ҳамда Ягона лойиҳали бошқарув миллий ахборот тизимларини яратиш, "ягона ойна" марказлари фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, давлат органларининг 25дан зиёд ахборот тизимларини жорий этиш мўлжалланган.

Вазир мамлакатимизда электрон тижоратнинг бугунги ривожланиш кўрсаткичлари пастлиги ва мамлакатимизнинг ҳақиқий салоҳиятига мос келмаслиги ҳақида ҳам гапирди. Ҳолбуки, глобал миқёсда охириги йилларда электрон тижоратнинг ўсиш кўрсаткичлари 18-20 фоизни ташкил этяпти. 2017 йили электрон тижоратда товар айирбошлаш кўлами 2 трлн. доллардан ошди. Экспертлар бу кўрсаткич 2021 йили 4,5 трлн. долларга чиқишини башорат қилишмоқда.

— Вазирлик тизимида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси ва электрон тижоратни ривожлантириш бўлими ташкил этилди. Электрон тижорат ассоциацияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, электрон тижорат, электрон тўловлар соҳасида бизнес юритувчи компаниялар ва йирик IT-компаниялар вакилларини жамлаган жамоатчилик кенгаши тузилди, — деди вазир ўз тақдимида.

Юқори малакали кадрлар етишмаслиги масаласини ечиш мақсадида махсус IT-мактаб қуриляпти, у ерга болалар бешинчи синфдан қабул қилинади. "Афсуски, ҳозирча у битта. Бу мактабда энг иқтидор болалар ўқиши учун биз интихоннинг имкон қадар шаффоф ўтишини таъминладиқ", — деди Азим Ахмедхаджаев.

Шунингдек, вазир АКТ соҳасини ривожлантириш бўйича инновацион гоғалар портали (idea.mtc.uz)га ҳам тўхталиб, порталда мамлакатимиз фуқаролари ҳамда чет элларда яшаётган ватандошларимиз соҳани ривожлантириш борасидаги ўз гоғалари билан ўртоқлаша оладилар.

Фарҳод Рўзиев:
"Ўзбектелеком"ни энг илғор компанияга айлантирамыз

"Ўзбектелеком" АК бош директори Фарҳод Рўзиев жамоатчилиқни Миллий операторнинг тубдан ислох қилинишига оид режалар билан таништирди. Жумладан, бу мақсадга эришишда халқаро интернет-каналларини 10 баробарга кенгайтириш каби йирик лойиҳаларни ўз ичига олган 7 ойлик инқилобий режа ҳақида сўзлаб берди.

У ўз чиқишида "Ўзбектелеком" ниҳоят Ўзбекистонда Skype, Viber, WhatsApp каби овозли иловалар билан боғ-



"Ўзбектелеком" АК бош директори Фарҳод Рўзиев.

лиқ муаммоларнинг ҳал қилинганлигини эълон қилди.

— Биз муаммоларни бартараф этишни энг оғриқли масаладан бошладик. Бир неча кунлар давомида муҳандисларимиз Skype, Viber, WhatsApp ва бошқа овозли алоқа дастурлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишди. Энди уларнинг ҳаммаси ишлайди, бемалол улардан фойдаланишингиз мумкин, — деди компания раҳбари.

Фарҳод Рўзиев Ўзбекистонда интернет билан боғлиқ муаммолар сабабларига ҳам тўхталди: “Ўзбектелеком” худди уйқудаги ажларга ўхшайди... Нега интернет ҳамон ёмон ҳолатда? Ўзбекистонда интернетнинг ёмонлигига таъсир кўрсатувчи қатор сабаблар бор. Биринчидан, бу — географик жойлашувимизга боғлиқ. Биз фақат иккита — Москва ва Гонконгдаги халқаро интернет-хабарларга улана оламиз. Улар билан орадаги масофа жуда узоқ. Бу интернетнинг нархига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Яна бир сабаб — шаҳар ва туманлардаги инфратузилманинг эскириб кетгани. Кейингиси эса — бизнинг бозор ва абонентлар билан ишлаш олмаслигимиз”, — деди у.

— Бироқ энди ҳаммаси ўзгармоқда, — давом этди компания директори. — Бугун биз 2020 йилгача кенг қўламли ислохотлар ҳақида эълон қиламиз. Компанияда тузилмавий ислохотлар юз беради. 2020 йилгача Ўзбекистонда биринчи рақамли телеком операторга айланиш; мамлакатдаги энг яхши иш берувчилар топ-10лигига кириш; мамлакатдаги энг илғор давлат компаниясига айланиш мақсад қилиб олинди.

Фарҳод Рўзиев, шунингдек, интернет-хизматларнинг янги, инқилобий шакли тайёрланаётгани, бу яхши тезликка эга, ҳамёнбоп ва сифатли интернет бўлишини айтиб ўтди.

Тақдимотда тескари ҳисобдаги “йўл харитаси” келтирилган сайт (change.uztelecom.uz) ишга туширилгани ҳақида ҳам эълон қилинди. “Компанияни катта масштабга янгилашлар кутмоқда ва энди у максимал даражада очиқ ва инновацион бўлади”, — деди “Ўзбектелеком” АК бош директори.

ИНҲА талабалари шартнома тўловини эски нархда тўлайди

Анжуманда ИТ-таълим йўналишидаги масалаларнинг аҳамияти алоҳида инobatта олинди, бу борада Тошкент шаҳридаги ИНҲА университет ректори Сарвар Бобоҳўжаев инновацион авлодни вояга етказиш юза-



Mirzo Ulugbek Innovation Center (MUIC) инновация маркази директори Фарҳод Ибрагимов.

сидан таклиф ва режаларини баён этди. Хусусан, у Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг талабалар учун юқори нархли шартнома пуллари билан юзага келатган муаммони ҳал қилиш юзасидан ечимларни илгари сурди.

Ректор бу йил тахсил учун тўлов шартномалари қимматлашиши университетнинг 2,3,4-босқич талабаларига дахл қилмаслигини айтди. Бу талабалар эски нархларда шартнома пуллари тўлашади. Қўшимча тўловларни эса Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўлашни зиммасига олади.

Сарвар Бобоҳўжаев, шунингдек, университетда тадқиқотлар фаолияти бошланишини маълум қилиб, чет элдан профессор-ўқитувчилар жалб этилаётгани, маҳаллий ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнлари ҳақида сўз юритди.

Фарҳод Ибрагимов: Яхши ИТ-мутахассис бўлиш учун дипломнинг ортидан қувиш шарт эмас

Mirzo Ulugbek Innovation Center (MUIC) инновация маркази директори Фарҳод Ибрагимов ИТ-мутахассисларга олий маълумот шартлиги ҳақидаги стереотиплар ортидан чопмасликка чақирди. Ўзбекистон ОТМларини ҳар йили 5000 нафарга яқин ИТ-мутахассис таъомламоқда ва бу етарли эмас. Бунинг устига ҳар йили 600 мингдан зиёд ёшлар квоталар чеклангани сабабли ОТМларга кира олмайпти.

— Биз айнан мазкур мақсадли аудитория билан кўпроқ ишлашни мақсад қилганмиз. Афсуски, ёшларимиз ҳамда уларнинг ота-оналари ҳалигача олий маълумотли диплом кераклиги ҳақидаги стереотиплар билан чекланиб қолмоқда. ИТ-

мутахассис бўлиш ва яхшигина пул ишлаб топиш учун олий таълим муассасасида ўқиш шарт эмаслигини билса, уларнинг қанча қисми ўз режаларини ўзгартирган бўлар эди, — деди MUIC раҳбари.

Фарҳод Ибрагимов MUIC резидентларига берилаётган имтиёзлар давлат бюджетига тушумларни камайтираётгани ҳақидаги хабарларни рад этди. Унинг сўзларига қўра, резидент компаниялар кўпроқ ходимларни расман ишга олаётгани сабаб-



Евгений БИРГЕР, халқаро эксперт.

ли норезидент компанияларга қараганда давлат бюджетига кўпроқ солиқлар тўлашмоқда.

Хозирда 319та компания MUIC резиденти ҳисобланади, уларда 4500 ходим ишламоқда. 2017 йилда улар 22 млн. долларлик хизматларни кўрсатиб, 1,5 млн. доллардан зиёд хизмат ва маҳсулотларини экспорт қилди. 2021 йилгача бу кўрсаткич 30 млн. доллардан ошириш режалаштирилмоқда.

Фарҳод Ибрагимов MUIC қошида ташкил этилаётган Тақсимланган реестр (блокчейн) технологиялар бўйича ваколатли марказнинг асосий вазифалари ҳақида ҳам гапирди.

— Марказда блокчейндан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибачилар, уни давлат хизматлари соҳасига жорий қилиш вазифалари ўзлаштирилди. Бу давлат хизматлари шаффофлигини ошириш, шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатишда коррупция ҳолатларини бартараф этиш имконини беради — деди у.

Халқаро эксперт: Почта – давлатнинг муҳим институти

Почта алоқаси ва инфокоммуникация бўйича консалтинг гуруҳи етакчиси Евгений Биргер “Ўзбекистон почтаси”нинг бугунги ҳолати юзасидан ўз

қарашлари ва ечимларини баён қилди.

Экспертнинг фикрича, “Ўзбекистон почтаси”нинг бугунги ҳолати МДХ давлатлари билан таққослаганда ҳам қониқарсиз ҳолатда.

“Давлат ва жамият анъанавий почтадан фойдаланмай қўймоқда. Нима сабабдан? Почтачилар яхши ишламаяптими? Ҳолатни ўргандим, ўз ишига фидойи мутахассислар кўп. Вазирлик ҳам ҳар қандай ёрдамга тайёр. Фикримча, асл сабаб шундаки, почта бу — ўлаётган соҳа эмас, давлатнинг муҳим институти эканини инobatта олиш ва эскича қарашларни йўққа чиқариш лозим”, — деди Е.Биргер.

У ривожланган мамлакатларда почта давлатнинг муҳим институти сифатида қайта тугилиб бўлгани, дунё тараққиётида почтанинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини мисоллар билан изоҳлади.

Халқаро эксперт, шунингдек, Ўзбекистонда почтани ривожлантириш, модернизация қилиш бўйича таклифларини ҳам билдириб ўтди.

“Ўзбектелеком” АК 2020 йилгача Ўзбекистонда биринчи рақамли телеком операторга айланиши; мамлакатдаги энг яхши иш берувчилар топ-10лигига кириши; мамлакатдаги энг илғор давлат компаниясига айланишни мақсад қилган.



Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ректори Сарвар Бобоҳўжаев.

Лутфилло ТУРСУНОВ, Собит АХАДОВ, “Хабар” мухбирлари

ПЕТИЦИЯ ВА “МЕНИНГ ФИКРИМ”: БИР ЙИЛ ИЧИДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА



“Менинг фикрим” порталига жойлаштирилган транспорт воситалари ойналарини қорайтиришга рухсат берилиши таклиф этилган жамоавий мурожаат 8 кун ичида 1000дан ортиқ овоз тўплади ва Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқиладиган дастлабки петицияга айланди.

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги Боровский коллежи ўқувчиси Жасурбек Иброҳимов фожияси юзасидан пойтахтлик Ирина Зайдман воқеа айбдорларини жазолаш талаби битилган петиция ташкил қилиб, Бобур номидаги истироҳат боғида жамоатчилик мурожаатини имзолаш учун бир неча юз кишини тўплаганди. Ирина Зайдман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушбу “рухсат этилмаган оммавий тадбир”ни ташкил этгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг икки моддаси бўйича айбдор деб топилиб, 15 кунлик қамоқ ва қарийб 7,5 миллион сўмлик жарима билан жазоланган. Шунга ўхшаш ҳолатда петиция уюштирган тошкентлик Мария Леглер ҳам жавобгарликка тортилганди.

Орадан ҳали бир йил ҳам вақт ўтмади. Агар улар шу ишни бир неча ой илгари эмас, бугун уюштиришганида балки бу тарзда жавобгарликка тортилмасликлари мумкин эди. Чунки энди оммавий мурожаат йўллашнинг аниқ механизми бор. Бу — “Менинг фикрим” портали. Ишга туширилганига 20 май куни 1 ой тўлган портал қисқа муддатда анчагина оммавийлаштишга ҳам улгурди. Шу йилнинг 15 майида порталга интернет фойдаланувчиларининг кунлик ташрифи 18 мингдан ошди. Аммо ҳанузгача аҳоли ўртасида “Менинг фикрим” портали механизми, амалдаги қондалар, петиция яратиш ва унинг оммавий овоз беришга чиқиши каби жараёнлар ҳақидаги тушунчалар тўлиқ шаклланмаган.

Шу каби масалаларга аниқлик киритиш мақсадида “Менинг фикрим” портали лойиҳаси координатори Дилшод Мирзаев ҳамда портал бош дастурчиси Исмоилхон Исоқовлар бизга куйидагиларини сўзлаб беришди:

Президент ташаббуси

2017 йил 22 декабр куни Президент Шавкат Мирзиёев республикамиз тарихида илк бор Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига мурожаатнома тақдим этганди.

Уша куни жуда кўп масалалар ҳақида очикдан-очик сўзланди. Жумладан, мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун интернет тармоғида “Менинг фикрим” деб номланган махсус портал ташкил этиш мақсада мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. “Биз ҳаммамиз англаб етишимиз керак: қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Илғор хорижий тажриба ўрганилди

“Менинг фикрим” порталини яратиш мақсадида Олий Мажлис палаталари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг масъул мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тuzилди.

Ишчи гуруҳ илғор хорижий тажрибаларни ўрганди. Жумладан, Англия (change.org), Украина (petition.president.gov.ua), Германия (epetitionen.bun-destag.de) ва Россияда (roi.ru) амалга оширилган лойиҳалар, яратилган веб-ресурсларнинг имкониятлари апрофилача ўрганиб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенат кенгашининг 2018 йил 2 апрелдаги кўшма қарори билан “Менинг фикрим” портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Uzinfocom” ягона интегратори томонидан мазкур низом талабларига тўла мос келадиган портал <http://meningfikrim.uz> портали ишлаб чиқилиб, белгиланган вақтда, яъни жорий йилнинг 20 апрел куни ишга туширилди. Маълумот сифатида айтиб ўтиш мумкинки, мазкур порталга <https://petition.gov.uz> домени орқали кириш мумкин.

Мурожаатни кимлар юбориши мумкин?

Мурожаат юборилган кунда ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси электрон жамоавий мурожаат ташаббускори бўлиши мумкин.

Мурожаатни бериш ва кўриб чиқиш тартиби

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, маҳаллий кенгашларга мурожаат қилиш учун фуқаро id.gov.uz сайти (идентификациялашнинг ягона тизими)дан авторизациядан ўтади ва мурожаат матнини “Менинг фикрим” порталига йўллайди.

Жамоавий мурожаат “Менинг фикрим” порталида оммага ҳавола этилиши учун камида беш нафар шахс қўллаб-қувватлаши лозим. Бунинг учун фойдаланувчилар “кабинет”га кирган ҳолда “қўллаш” бўлимига ўтиши ва маъқул келган мавзуларни қўллаши мумкин.

Мурожаат зарур миқдорда қўллаб-қувватланган тақдирда, модератор (Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти) томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш юзасидан экспертизага қабул қилинади.

Экспертиза қанча вақт давом этади?

Модератор ўн беш кун ичида мурожаатни экспертизадан ўтказиши, агар унинг ижобий хулосаси олинса, мурожаат 1 иш куни ичида порталда эълон қилинади.

Ижобий хулоса олинмаса нима бўлади?

Мурожаатни “Менинг фикрим” порталида эълон қилиш рад этилганда, мурожаат ташаббускори кейинги кундан кечиктирилмаган ҳолда рад этиш сабаб-

лари тушунтирилган хабарномани олади.

Овоз бериш жараёни қандай бўлади?

Мурожаат “Менинг фикрим” порталида эълон қилинган сана уни қўллаб-қувватлаш юзасидан овозларни тўплаш бошланган сана деб ҳисобланади. Мурожаат бўйича овоз бериш мурожаат матни эълон қилинган пайтдан бошланади ҳамда тўқсон кун мобайнида ўтказилади.

Қанча овоз тўпланса мурожаат кўриб чиқилади?

■ Олий Мажлис палаталари — 1000та овоз;

■ Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари — 500та овоз;

■ халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари — 100та овоз тўплаган мурожаатларни кўриб чиқилади.

■ Кўтарилган масала моҳиятидан келиб чиқиб, модератор қайси давлат органи ушбу масалани кўриб чиқишини белгилайди.

■ Етарлича овоз тўплай олмаган мурожаатлар порталнинг архивига жойлаштирилади.

■ Зарур миқдордаги овозларни тўплаган мурожаатлар модератор томонидан кейинги кундан кечиктирмай ваколатли давлат органларига юборилади.

Жамоавий мурожаат бўйича қарор қачон ва қаерда эълон қилинади?

Ваколатли давлат органлари 60 кун ичида мурожаатни кўриб чиқиб қарор чиқаришлари шарт. Бунда мурожаатнинг ташаббускори ваколатли орган томонидан ташкил қилинган мурожаатни кўриб чиқиш йиғилишларига таклиф этилиши мумкин.

Ваколатли орган қабул қилган қарор “Менинг фикрим” порталида эълон қилинади.

Мобил илова ва “Telegram-бот”

Мобил алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони юртимизда кўпчиликин ташкил этиши инобатда олиниб, яқин келажакда “Менинг фикрим” порталининг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги боти ва мобил иловасини яратиш режалаштирилган.

Лутфилло ТУРСУНОВ



“Менинг фикрим” портали лойиҳаси координатори Дилшод МИРЗАЕВ (ўнгда) ҳамда портал бош дастурчиси Исмоилхон ИСОҚОВ.

ИНТЕРНЕТДАГИ РАДИКАЛЛАШУВ: МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида “Интернет орқали радикаллашув: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳузурдаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази томонидан ташкиллаштирилди. Семинарда вазирликлар, Респуб-

лика маънавият ва маърифат маркази, Халқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетининг профессор ва илмий тадқиқотчилари, соҳа экспертлари ва тадқиқотчилар, талабалар иштирок этдилар.

Мамлакатимиз ва дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётгани, шунинг баробарида интернетдаги турли манбалар, ижтимоий тармоқлар орқали ёш авлоднинг радикаллашуви масалалари долзарб бўлиб турибди. Бу жараёнда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларнинг вайронкор ғоялар домига тушиб қолмаслиги сингари масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим бўлади.

Семинарда шу масалалар тилга олинди, глобал тармоқ воситасида амалга оширилаётган хуружларнинг олдини олиш бўйича юзага келаётган турли

муаммоларга ечим топиш, келгусида ушбу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда янгиликларни янгиликлар, механизмлар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Таъкидланишича, интернет кўплаб фойдали жиҳатлари билан бирга, салбий оқибатларини ҳам намоён қилмоқда. Аҳолида, айниқса, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятининг сустиги, турли хабарлар оқимидан айнан кераклисини ажратиб олишда билим, малака ва кўникманинг етишмаслиги баъзиларнинг ғаразли оқимлар таъсирига тушиб қолишларига, интернет қарамлиги касаллигига йўлиқтирилари сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, кўплаб социологлар интернет орқали ўсмирлар тезда жамиятга киришиб кетиши, яъни ижтимоийлашувини эътироф этидилар. Яъни ёш йигит ёки қиз реал ҳаётда ҳали кўпчилик билан та-

нишиб улгурмай, компьютер орқали бутун дунё билан мулоқот қилиши мумкин. Интернет мана шундай улкан имкониятни тақдим этади. Лекин ҳали шахс сифатида шаклланмаган, ўзининг мустақил фикри ва соғлом дунёқараши собитлик касб этмаган ёшлар учун интернет муайян даражада хавфли ҳудудга ҳам айланади. Сабаби, инсонлар билан муомала қилишда ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ўсмир билиб-билмай, турли деструктив гуруҳлар, бузғунчи кучлар, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Илмий-амалий семинар конструктив ҳамда амалий тақлифлар, баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Семинар якунида тадбир катнашчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.


Ҳулумжон НАЗАРОВ,
ТАТУ талабаси

КИБЕРМАКОННИНГ ОЧИҚ ВА АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, бу-гунги кунда глобал тармоқ “кенглик”ларида инсон иродасини буткул синдиришга қаратилган муайян технологиялар ва бутун бошли “мактаб”лар мавжуд. “Ақл марказлари”дан тортиб террорчи ташкилотларгача айнан ана шундай воситалар ёрдамидан фойдаланмоқдалар. Ижтимоий тармоқлар орқали жамиятда айнан ҳис-туйғуларга тез берилувчан қатламлар нишонга олиниб, айримлар террорчилар яратган “манкурт” тайёрловчи конвейерга тушиб қоляпти.

Жумладан, сўнгги йилларда террорчилик ташкилотлари ғояларини тарғиб қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони 7000дан кўпроқ бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи порталлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, муайян давлатда эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида барча шароитлар яратиб берилган бир шароитда ҳам маккор ва кўпорувчи кучлар, диний мутаассиб гуруҳлар ўз қабиҳ режаларини амалга ошириш йўлида халқ ичида бузғунчи ғояларни тарқатишга уринадилар. Маълумотларга қараганда, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Нега айнан ёшлар?



Аслида бу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни англаб етиш мушкул эмас. Бойиси, айнан ана шу қатлам юрт келажаги, миллатнинг эртанги кунни, тараққиётини белгилаб беради. XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси кучли бўлади деган саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтан-назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

Шу ўринда, ўсмир-ёшлар ҳам таъқиқ таъсирларга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу боис, уларни турли салбий иллатлар домига тортиш, руҳиятини кирлатиш авж оляпти. Кўплаб ёш фойдаланувчиларнинг “сеvimли” машгулотига айлиниб улгурган ҳаёсизлик мазмунидаги контентлар глобал тармоқда мунтазам янгилаб борилмоқда. Бундай мазмунидаги веб-сайтлар сони ҳозирда 4,2 миллиондан ошиб кетган бўлиб, ушбу сайтлар

маълум бир кимсаларнинг энг даромадли манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Ҳозир дунёдаги 42 фойздан ортқ болалар ва ўсмирлар онлайн порнография таъсирига тушиб қолаётгани эса ачинарли ҳолидир.

Дунё бўйлаб компьютер ўйинларининг 49 фоизи зўравонлик ва шафқатсизлик мазмунида. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларга мунтазам равишда киришини хавотир билан тилга олади. Таҳлилларга кўра, айни пайтда жаҳон интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилувчи 9 мингдан зиёд сайтлар мавжуд бўлиб, ушбу сайтлар асосан осонгина жон тақлим қилиш “сабоқ”ларини ўргатади. Бу каби номақбул ахборот ресурсларининг қурбони умидсизликка тушган одамлар ва ўтиш давридаги ўсмирлар бўлиб қоляпти.

Баъзан ҳаётдаги муайян орзу-мақсадларига мустақил эришиш

ҳаракатларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслиги оқибатида ёшларда ўзини но-чор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш хусусияти шаклланиши кузатилади. Бундай вазиятларда улар интернет, хусусан, ижтимоий тармоқларда ўзларининг мақсад ва интилишларини тушунадиган ки-шиларни излай бошлайдилар.

Айни пайтда, ҳали жиддий масъулият юкидан холи бўлган ўсмир-ёшлар учун шахсий тажрибанинг етишмаслиги ҳам панд беради. Таъбир жоиз бўлса, улар соддалик ва ҳаёлпарастлик билан рўбарў келиб қоладилар. Шу билан бирга, уларнинг наздида гўёки атрофда кузатилаётган адолатсизлик оқибатида юзага келадиган зўриқишни йўқотишда фақат биргина йўл — “буюк ғоя”ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан ҳаммаслақ бўлишни танлашга мойиллик юзага келади. Бу йўл ёшларни диний-экстремистик оқимлар домига тортилишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли ҳам ҳар биримиз огоҳ ва бундай чорловларга муросасиз бўлишимиз шарт.

Жавоҳир ҚУДРАТОВ,
Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази етакчи мутахассиси

“Дунё бўйлаб компьютер ўйинларининг 49 фоизи зўравонлик ва шафқатсизлик мазмунида. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларга мунтазам равишда киришини хавотир билан тилга олади.”

УЗБЕКИСТАНЦЫ ЗАНЯЛИ 3 МЕСТО В МЕЖДУНАРОДНОМ КОНКУРСЕ, ВЗЛОМАВ БАНКОМАТ ЗА 15 МИНУТ

15 и 16 мая 2018 года в Московском Центре международной торговли состоялся VIII международный форум по практической безопасности "Positive Hack Days". Специалисты Центра информационной и общественной безопасности приняли участие в индивидуальном конкурсе "Leave ATM Alone", задачей которого являлось взломать банкомат за 15 минут, обойдя средства защиты и извлечение денег из устройства, и заняли третье место.

На конференции, организованной компанией "Positive Technologies", были собраны ведущие специалисты по киберзащите и элита хакерского мира, руководители государственных структур в сфере информационной безопасности, представители крупного бизнеса и молодые ученые.

Также отметим, что Positive Hack Days (далее — PHDays) — международный форум по практической безопасности, который проходит в Москве (РФ) ежегодно, организатором которого является компания "Positive Technologies".

На PHDays выступают российские и зарубежные раз-

работчики, ИБ-эксперты и хакеры, проводятся закрытые и открытые круглые столы с участием представителей государственной власти, СТО и СИСО крупнейших отечественных и международных компаний, ведущих специалистов банков, телекоммуникационных, нефти и газодобывающих, промышленных и IT-компаний, а также проходят мастер-классы и лабораторные практикумы.

Форум учитывает потребности всего сообщества и поднимает самые актуальные вопросы информационной безопасности, такие как инновации в области взлома информационных систем и методов практической безопасности; подходы к информационной безопасности в эпоху интернет-вещей; защита критически важной инфраструктуры; организация физической безопасности информационных ресурсов; противодействие мошенничеству и киберпреступности; выявление и расследование инцидентов информационной безопасности; создание и совершенствование ИБ-продуктов; развитие методов безопасной разработки программного обеспечения (SSDL).




ВИЗИТ ДЕЛЕГАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА РЕСПУБЛИКИ КОРЕЯ JEJU В ТУИТ

23 мая состоялся визит делегации университета Song Seok-yeon Jeju (Южная Корея) в ТУИТ. Делегацию возглавлял президент университета (JNU).

В ходе встречи, организованной в целях установления партнерских отношений между ТУИТ и JNU, была достигнута договоренность о налаживании сотрудничества по следующим направлениям:

- обучение одаренных студентов и перспективных преподавателей в магистратуре и phd;
- содействие во внедрении кредитной системы в учебный процесс;
- сотрудничество в сфере реализации научных проектов и публикации научных статей;
- обмен преподавателями для привлечения к учебному процессу.

По итогам встречи руководителями университетов был подписан Меморандум о взаимопонимании в рамках договоренности об академическом сотрудничестве.



НОВЫЕ КНИГИ

РЕГИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА

онлайн тестирования в обеспечении объективности и прозрачности оценки знаний абитуриентов

Это название новой книги, изданное Научно-техническим обществом радиотехники, электроники и связи республики Узбекистан (авторы — М. Мухитдинов, А. Калдыров, А. Ахмедиева, М. Мухитдинова, Ш. Мухаммадиев, М. Норкулов).

Совершенствование процесса обучения в высших образовательных учреждениях республики на основе современных требований является одним из основных вопросов сегодняшнего дня. В связи с этим важное значение приобретает обеспечение приема в высшие образовательные учреждения посредством справедливого, объективного и прозрачного проведения вступительных тестовых испытаний. При этом особую актуальность в широкомасштабных реформах образовательной системы, в основу которой заложена концепция повышения конкурентоспособности системы образования, способствует его увязки с проводимыми в обществе преобразованиями и потребностью экономики в высококвалифицированных кадрах. Внедрение в практику региональной системы тестирования на основе

использования информационно-коммуникационных технологий позволит повысить объективность оценки потенциальных возможностей абитуриентов на местах.

Современные тенденции развития мировой образовательной системы тесно связаны с возрастанием роли информационных технологий и знаний в жизни общества. Образовательная система меняется, становится более инновационной, а в основе этих изменений лежит использование персональных компьютеров, скоростных телекоммуникаций и интернет.

— Именно в этих целях в стране осуществляется широкомасштабная реформа образовательной системы, в основу которой заложена концепция повышения конкурентоспособности системы образования населения, его увязка с проводимыми в обществе преобразованиями и потребностью экономики в высококвалифицированных кадрах, — говорит один из авторов новой книги профессор М. Мухитдинов. — И мы постарались отразить проблемы в этой сфере образования.

ТЕХНОЛОГИИ

СОСТОЯЛАСЬ ПРЕЗЕНТАЦИЯ РАБОТ ФАКУЛЬТЕТА "КОМПЬЮТЕРНЫЙ ИНЖИНИРИНГ"

В Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада аль-Хорезми состоялась презентация работ факультета "Компьютерный инжиниринг" на тему "Новые разработки в области мультимедийных технологий". Работы студентов и преподавателей кафедр "Мультимедийные технологии", "Информационные технологии", "Компьютерные системы", выполнены по следующим направлениям:

- Робототехнические системы и дополненная реальность;
 - Разработка веб и мобильных приложений;
 - Мультимедийная анимация и виртуальная реальность;
 - Компьютерные игры и веб-приложения;
 - ИТ сервисы;
 - Компьютерные системы.
- Был подготовлен каталог всех работ, участвующих в конкурсе.

Участвующие организации и компании могли ознакомиться с реальными работами, пообщаться с разработчиками и принять участие в конкурсе работ в качестве работодателя,

спонсора или субподрядчика.

С докладами выступили заведующая кафедры "Мультимедийные технологии" Э.Назирова ("Применение компьютерного моделирования в разработке нефтяных и газовых месторождений"), доцент М.Артикова ("Виртуальная реальность"), старший преподаватель Ж.Таджиев ("Роботы и дроны"), старший преподаватель Э. Сайфиев ("3D моделирование, анимация и мультимедийная реальность") и другие.

Преподаватели кафедры "Мультимедийные технологии" рассказали об особенностях преподавания таких дисциплин, как компьютерное и 3D-моделирование, веб-программирование, разработка веб-приложений, дополненная и виртуальная реальность, обработка изображений, создание робототехнических систем.

На кафедре ведут свою работу студенческие кружки "Робототехника", "3D-моделирование, анимация и мультимедийная реальность".

Участники семинара обсудили такие актуальные проблемы, как:

- создание анимацион-

ных и мультимедийных роликов и фильмов требуют современного оборудования;

- 3D моделирование, наряду с веб-программированием является одним из инструментов визуализации;

- внедрение дополненной и виртуальной реальности;

- разработка и внедрение программного обеспечения по обработке изображений и техническому зрению.

На протяжении всей выставки работало жюри, оценивая представленные работы.

Принимавшие участие в мероприятии различные организации и IT компании, с которыми кафедра "Мультимедийные технологии" ведет сотрудничество, отметили высокий уровень выполненных работ без использования дорогостоящей техники и оборудования. Были также заключены договоры о заинтересованных организациях и компаниями о дальнейшем сотрудничестве.

Соб.кorp.



Гулумжон НАЗАРОВ:

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАНЛАЙМАН, ИЖОД ЭСА – ИМИЖИМ

Қисқача:

- Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган.
- ТАТУ касб таълими факултети 4-босқичида ўқийди.
- Мақсади — ишлаш ва ўқишни давом эттириш.
- Шеърят ва журналистикага қизиқади. Ўзбекистондаги биринчи интернет теленанал — INTV асосчиларидан бири, "Xabar" газетасида нўллаб мақолалари чиққан.

Ахборот технологиялари — иқтисодий имконият

Биз нафақат илмий салоҳиятимиз, балки иқтисодий имкониятимизни яхшилаб олишимиз учун ҳам ахборот технологиялари оламида кенг атмосфера мавжуд. Кузатувлар ва изланишлар натижасида шу нарса маълум бўляптики, "саноат даври", яъни ишлаб чиқариш даврида ишчининг ёши катталашини билан унинг қарқиммати ортиб боради. Ахборот технологиялари даврида эса бунинг акси. Ҳозирда ахборот технологиялари соҳасида ёш, ахборотларни тез илғай оладиган, технологияларни тез ўзлаштири оладиган кадрларга талаб ва таклиф катта. Бунга дунёвий қарашларим билан мисол келтирадиган бўлсам, масалан, XX асрнинг энг катта нефть, электр энергетикаси ва машинасозлик билан шуғулланадиган, бир қанча юз йиллар давомида молиявий ҳукмронлик қилиб келган компанияларини охириги йигирма-ўттиз йил давомида фаолият бошлаб, дунёнинг энг катта компанияларига айланган АТ-компаниялари "синдирмоқда". Булар ҳаммамиз билладиган Google, Amazon, Apple ва бошқа компаниялар.

Ҳар тонг биринчи қиладиган ишим — янгиликларни ўқиш. Ҳафтасига кам деганда битта АТ-компания "кутилмаганда" миллиард доллар ишлаб олгани ёки бирор янги технологияни миллионлаб долларга сотганини эшитсам, бунга мотивация беради.

Мотивация жудаям керак

Бу мен учун аввало бирон лойиҳанинг бошқалар томонидан ижобий эътироф этилиши. Ҳа, мотивация жуда муҳим. Бу нафақат ўқишимда, ишимда ҳам жуда асқотади. Мотивацияни асосан машурлар ҳақидаги ҳужжатли фильмлар, китоблар, дўстларим беради. Атрофимдаги дўстларимнинг ҳаммаси ўз дунёқарашига, бизнесига ва шахсий имижига эга. Уларда доимо қандайдир янгилик, позитив-

лик ва ҳаракатчанлик бор. Бирининг дастурлашни ўргатадиган шахсий ўқув курси, бошқасининг медиакомпанияси, яна бирининг эса интернет дўкони бор. Улар доимо сизга қандайдир ижобий таъсир этиб туради. Камчиликларингизни айтади, ўргатади.

Лойиҳалар ҳақида

Албатта, ўзимнинг ҳам бир қанча лойиҳаларим бор. Шулардан энг каттаси Ўзбекистондаги биринчи интернет телеканал (INTV)дир. Мен, дўстим Улуғбек Исматов ва яна бир нечта дўстларимиз биргаликда ўзбек интернет кенглигидаги энг долзарб муаммолардан бири — миллий рудаги медиаконтент етишмаслигини ечиш устида ушбу лойиҳани бошлаганимизга икки йилдан ошди. Лойиҳага элликка яқин талабаларни жамлаганимиз ва дастлабки натижаларни ҳам кўряпмиз.

Яна бир лойиҳамиз кутубхоналарда ва китоб тарғиботида QR код технологияларидан фойдаланишга асосланган. Лойиҳани устозларимизга топширганмиз. Изланиш жараёни давом эттириляпти: у қай даражада фойдаланиш, китоб тарғиботида самараси борми — шуларни кузатыпмиз.

Ахборот-кутубхонашунослик мавзусидаги Akt.uz портали фаолиятини бошладик. Бунда устозимиз Шерзод Муҳаммаджоновнинг ўрни катта. Порталимиз ишлаяпти, талабалар университетимизнинг сайтидан ҳам алоҳида ҳавола орқали киришлари мумкин. Дарвоқе, ушбу портал билан университетимиздаги инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмасида 3-ўринни кўлга киритганман. Бу ҳам бир мотивация. Университетимизга Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилди. Фонд ва стипендия жорий қилинди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендиянинг илк совриндорларидан бири бўлганим ҳам мени жуда кучли руҳлантирди, ҳаракатларим, изланишларим доимий эътиборда эканини ҳис этдим.

Ўсиқлар бор, чораси ҳам...

Шу пайтгача эришган натижаларимдан ўзим қониқмай-

ман. Бундан кўпига ҳам эришса бўлади. Албатта, ўсиқлар бор. Шахсан ўзимда Тошкентга келганимда биринчи пайдо бўлган ўсиқ бу — тилни яхши билмаслигим бўлган. Биринчи босқич талабалик давримданоқ рус тилини ўрганишни бошладим. Ҳа, сўзлашувда камчиликларим бўлиши табиий, аммо ахборотларни қабул қилишда ва тушунишда қийинчиликлар йўқолди. Агар бирор ишни чин дилдан хоҳлаб қилсангиз ҳеч қандай ўсиқ сизни чеклаб қўя олмайди. Мен бунга ишонаман!

Дастурчи

ишсиз қолмайди

Ҳозир веб-технологиялар, мобил иловалар, маълумотлар базаси, сунъий интеллект, тармоқ технологияларига талаб катта. Буларни билиш учун эса энг сўнгги замонавий билимлар базаси керак. Бу билим дастурлашдир. HTML, CSS, PHP, Java, C++, MySQL, Oracle, Python ва шуларга ўхшаш дастурлаш тилларидан бирини мукамал билган киши, менимча, ишсиз қолиш ҳақида ҳеч қачон ўйлаши керак эмас. Чунки бундай мутахассисларга доим талаб юқори. Иш ҳақи ҳам шунга яраша.

Томошабинлик ҳақида

Ўзим ҳам талабаман. Фикримча, ҳозирги талабалар кўп жиҳатдан бошқалардан ажралиб туриши керак: ўқишда, ишда ижодий фикрлаши, креатив ёндашуви, ҳаракатчанлиги, муомаласи, ҳатто ташқи кўриниши билан. Айтсам ҳавоийликдек туюлар, аммо ҳақиқатан ҳам биз жуда катта имкониятлар даврида яшайпмиз. Бундан узоқни кўра оладиган ва корпоратив алоқага кириша оладиган ёшларгина унумли фойдаланишмоқда. Ҳатто айрим тенгқурларимиз вазир ўринбосари бўлиб ишлашяпти. Қолганлар эса шунчаки томошабин бўлмаслиги керак-да!

Ютуғимиз — мана шундай ўлкада дунёга келганимиз, камчилигимиз — ҳаракатсизлигимиз.

Ижод мен учун имиж

Кўлар ижодкор сифатида танишади (айниқса, иж-

тимоий тармоқларда). Аммо ўзим чин дилдан АКТ мутахассиси бўлишни истайман. Шеърларим ҳаракатлар оралиғида ёзилади. Ғоялар тўхтовсиз ҳаракат натижасида вужудга келади. Уларни ҳаётга чиқариш учун биздан меҳнат керак, холос. Лекин яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман, мен АКТ мутахассиси бўлмоқчиман. Ижодкорлик эса менинг "имижим".

"Алкимёгар" дунёқарашимни ўзгартирган

Китоблар энг яқин дўстларим. Китоблар сабабли юртимиздаги энг нуфузли университетлардан бирига грант асосида ўқишга қабул қилидим. Китоблар сабаб жамиятда ўз фикрим, ўрним ва имижимга эга бўлиб боряпман. Энг севиб мутолаа қиладиган китобларимдан бештасини санайдиган бўлсам, улар таҳминан қуйидагилар бўлиши мумкин: "Чолиқуши", "Алкимёгар" (бу асар том маънода дунёқарашимни ўзгартириб юборган), "Минг кўёш шўласи", "Икки эшик ораси", "Отамдан қолган далалар".

Ортга эмас, олға юрайлик!

Ёшлар — тенгқурларим доим ҳаракатда бўлишларини истайман. Доимо креатив ва янги ғояларни илгари суришсин дейман. Ютуқларимизга ҳам, мағлубиятларимизга ҳам ўзимиз сабабчимиз. Турли баҳоналар бизни олға эмас, ортга юришга мажбур қилади. Роберт Киосакнинг бир фикри жуда ҳам ёқадди: "Одамлар бор — ниманингдир содир бўлишига сабабчи бўлади, одамлар бор — нима бўлаётганини томоша қилади ва ниҳоят, "Нима бўлди?" — деб сўрайдилар. Биз доимо биринчи тоифадаги инсонлар бўлишга ҳаракат қилсам, нафақат ўзимиз, балки ватанимиз равнақига ҳам катта ҳисса қўшган бўлаемиз. Бу гапларим ким учундир "ақл ўргатиш"дек туюлар, аммо биз бунга амалда ишботлашганимиз ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади!

Собит АҲАДОВ сўзбатулаши

“ Мен учун ақлли одам — Худойим берган умрини унумли ва яхши ишларга сарфлайдиган одам. Ақлсиз одам — умрининг охирида нима учун яшаганини билмаган одам. Фақат қуруқ гап билан эмас амалда бирор фойдали ишни қилган одамларга эргашаман. Энг яхши ғоялар ҳаракатлар натижасида вужудга келади.



– Иш соати ҳафтасига 40 соатдан ошмаган ташкилотлар бор, масалан, 5 кунлик ишдан ташқари навбатчилик учун ҳам қўшимча иш ҳақи тўланиши керакми?

Сардор РАҲИМОВ
Оҳангарон шаҳри

– Меҳнат қончилигига кўра:
– белгиланган кундалик иш (смена) вақтидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади;
– иш вақтидан ташқари ишлашга ходимнинг розилиги бўлиши керак;
– агар ходим иш вақтидан ташқари, дам олиш кунлари ва байрам кунлари ишласа қаида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади;
– тўланган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади;
– байрам ёки дам олиш кунидеги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин;
– ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин;
– байрам ёки дам олиш кунидеги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун қаида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

– Ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаролар касба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалар олиши мумкинми?

Миржалол МИРСОАТОВ
Оққўрғон тумани

– Ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаролар касба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалари ишловчи яқин қариндошлари (ота-онаси, фарзанди ёки турмуш ўртоғи) орқали уларнинг иш жойидаги касба уюшмалари аъзолик бадаллари ҳисобидан йўлланма нархини қисман (45 фоиз) ёки тўлиқ тўлаш йўли билан олиши мумкин.



10 саволга?



– Ойлик иш ҳақининг бир кунини шанбаликларга ушланиб қолиниши тўғрими?

Фахриддин НИЗОМОВ Наманган вилояти



– Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:
– белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;
– суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;
– иш ҳақи ҳисобига берилган авансини ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча

тўланган суммани қайтариб олиш учун;
– ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун;
– ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;
– интизомий жазо сифатида қўлланилган жаримани ундириш учун.
Юқоридаги ҳолатда ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиниши учун ёзма розилик талаб этилади.



– Коммунал хизматлар тўловларини амалга оширишда қимларга қандай имтиёзлар белгиланган?

Маҳбуба МАМАДАЛИЕВА
Сирдарё вилояти



– Бугунги кунда коммунал хизматлар тўлови буйича имтиёз ёки чегирма берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Бироқ, коммунал хизматлардан мавжуд қарздорликларга тўловларни амалга ошириш мақсадида моддий ёрдам олиш учун фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органилари (маҳалла)га мурожаат қилишигиз мумкин.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органилари коммунал хизматлардан қарздорлиги мавжуд, жумладан кам таъминланган оилалар рўйхатини аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга умумий мулкларни сақлаш ва коммунал қарздорликлар учун тегишли тўловларни тўланишида амалий ёрдам кўрсади.

Агарда фуқаро ёлғиз пенсионер бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги "Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 350-сонли қарорига мувофиқ, моддий ёрдам олиш учун ўзини ўзи бошқариш органиларига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳукуматнинг мазкур қарори кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам тайинланиши ва тўланиш тартибини белгилайди.

Кўп болали оилалар, бола парвариши учун ижтимоий нафақаларни ва моддий ёрдам пулини олиш учун бошқа категориялар билан бирга ёлғиз пенсионерлар ҳам ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2099-сонли қарорига мувофиқ, қонунчиликка асосан алоҳида жисмоний шахсларни категориялари, жумладан, ёлғиз пенсионерлар учун мол-мулк солиғи буйича имтиёзларни қўллаш мақсадида умумий майдондан 60 квадрат метри солиқ тўланмайдиган майдон бўлиб ҳисобланади.

– Қизим ногирон болани фарзандликка олган. Айтингчи, бундай шахсларга қонунчиликда қўшимча дам олиш вақти белгиланганми?

Марҳабо ҚОСИМОВА
Сурхондарё вилояти

– Ҳа, белгиланган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 230-моддасига асосан ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорда ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунини берилади.




– Мен бола парвариш-лаш таътилини тўхтатиб ишга қайтмоқчиман. Лекин, ишхонамизда дам олиш кунлари ҳам қўшимча иш соатлари мавжуд бўлиб, бу кунлари ишга келолмайман. Қўшимча иш соатларида ишламаганим учун иш берувчи ойлик иш ҳақимни қисқартириши ёки мени ишдан бўшатиши мумкинми?

Нигора ҲАМРОЕВА
Самарқанд шаҳри



– Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 224-моддасига кўра, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 148-моддасига кўра, аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

10 жавоб



– Ўғлим турмуш ўртоғи билан ажрашганидан кейин, турмуш ўртоғи оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, бола ўғлимда қолди. Мен бола тарбия қилаётган оналарга бир қатор имтиёзлар берилишини биламан. Ушбу имтиёзлар бола тарбия қилаётган оталарга ҳам бериладими?

Рустам МАҲМУДОВ
Чирчиқ шаҳри



– Олий таълим муассасасини тугатгач турмушга чиқдим. Ҳозир фарзанд кутяпман ва ўзимни яхши ҳис қиляпман. Айтингчи, ҳомиладор бўлсам ҳам мени ишга қабул қилишадими?

Санобар ИСМОИЛОВА
Андижон вилояти



– Меҳнат кодексининг 224-моддасига кўра, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

— Ҳа, берилади. Меҳнат кодексининг 238-моддасига асосан аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сифатларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллار бериш, имтиёзли иш тартибларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

– Кимларга нисбатан дастлабки синов муддати қўлланилмайди ёки қонунларда бундай қоида назарда тутилмаганми?

Жамшид ТУРАЕВ
Бухоро вилояти



– Бугунги кунда мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда аҳоли томонидан ит ва мушук боқиш ҳоллари кўпайиб бораётган. Ҳовли бўлса эҳтимол бу бошқаларга билинмас, ammo кўп қаватли уйларида ит ёки мушук боқиш ўзининг салбий ҳолатларини намоён қилмоқда. Хўш, кўп қаватли уйларида ит ёки мушук боқишнинг, уларни кўчаларда, жамоат жойларида сайр қилдиришнинг қонуний талаблари борми? Агар бор бўлса, уларни бузган шахсларга қандай чоралар кўрилади?

Ойгул МУСАЕВА
Чилонзор тумани

– Албатта, ҳовли ёки кўп қаватли уйларида ит ёки мушук боқишнинг қонуний талаблари бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари” белгиланган. Унга кўра, аҳоли масканларида итлар рўйхатга олинishi ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бу тегишли давлат ветеринария бўлимлари томонидан амалга оширилади. Рўйхатга

олиш итларни дастлабки вакцинация қилишда амалга оширилади. Эгаларига белгиланган тартибда гувоҳнома берилади. Кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида қўшнилари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат этилган. Итлар очиқ жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, итнинг эгаси ит қочиб кетмаслиги ёки одамлар ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўриши зарур. Ит очиқ жой-

ларда сайр қилдирилганда у тумшукбоғда ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги етовда бўлиши керак. Итлар ва мушуклар қолдирилган эскрементларни дарҳол йиғиштириб олиш учун ўзи билан анжом олиб юриши керак. Ушбу қоидаларни бузган итлар ва мушукларнинг эгалари белгиланган тартибда жавоб берадилар. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, шахрлар ва бошқа аҳоли масканларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик – фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиги ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади.



– Меҳнат кодекси 84-моддаси 3-қисмида дастлабки синов муддати жорий қилинмайдиган шахслар доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра, қуйидагиларга синов муддати жорий қилинмайди:

- ҳомиладор аёлларга;
- уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга;
- корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларга;
- олти ойгача муддатга ишга қабул қилинган шахсларга.

Умуман олганда, меҳнат шартномасини дастлабки синов шarti билан тузилиши ҳар иккала тарафга ҳам муайян имконият яратиб беради. Биринчидан, иш берувчи ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлигини текшириб кўриш имкониятига эга бўлса, иккинчидан, ходимда меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш имконияти бўлади. Албатта, дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 85-моддасига кўра, дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади ҳамда мазкур давр меҳнат стажига киритилади.

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР ИЖРОСИ

“
 Ҳеч шуб-
 ҳасиз, вилоят-
 да бутун мамла-
 катимиз бўйлаб
 ижросига жид-
 дий киришил-
 ган “Обод қиш-
 лоқ” дастури
 билан боғлиқ
 энг муҳим ва-
 зифалар ҳам
 эътибордан чет-
 да қолгани йўқ.”

Мамлакатимиз ривожлани-
 шининг ҳозирги босқичида
 ҳеч шубҳасиз ахборот-комму-
 никация технологияларининг
 ўрни беқиёс. Олис ва яқин
 ҳудудларнинг, жумладан,
 Бухоро вилояти иқтисодиё-
 тини мустаҳкамлаш, аниқроғи
 воҳанинг туристик салоҳи-
 ятини оширишни ҳеч мубо-
 лағасиз АКТСиз тасаввур
 этиш қийин. Қолаверса, дав-
 латимиз раҳбарининг 2017
 йилнинг 10-11 март кунлари-
 да, шунингдек, жорий йил-
 нинг 16-17 февралда Бухо-
 рога ташрифи чоғида ҳам
 айнан шу долзарб масалага
 алоҳида урғу берилганлиги,
 галдаги вазифалар белгилаб
 олинганлиги бежиз эмас. Пре-
 зидентимизнинг бевосита теле-
 коммуникация соҳасига та-
 аллуқли топшириқ ва кўрсат-
 маларини ўз вақтида бажар-
 ишга жиддий ёндашилаёт-
 ганлиги туфайли кейинги
 пайтда мазкур йўналишда ку-
 тилган натижаларга эришил-
 моқда. Масалан, Саинқоро-
 вул, Бўстон, Оқ Бўлот аҳоли
 масканларида жами 384 пор-
 тга эга ШПД MSAN ўрнати-
 либ, ишга туширилганлиги
 телекоммуникация соҳасини
 ривожлантириш билан боғлиқ
 устувор вазифалар ижроси
 жойларда, хусусан, Олот ту-
 манида изчил таъминланаёт-
 ганлигини кўрсатиб турибди.
 Бундан ташқари, ушбу туман-
 даги Чорбоғ МФЙ, шунинг-
 дек, Ешботир аҳоли масканида
 қурилиши мўлжалланган на-
 мунавий уй-жойларни замо-
 навий телекоммуникация
 хизматлари билан таъминлаш
 мақсадида оптик толали
 алоқа кабеллари ҳам ётқизил-
 ди. Мавжуд станцияларни
 янги замонавий MSAN
 қурилмалари билан модер-
 низация қилиш кўзда тутил-
 ган бўлиб, бу борадаги иш-
 лар ҳам тез вақт ичида амалга
 оширилади.



— Йўловчилар гавжум
 бўладиган жойларда WiFi тар-
 моғининг етарли қамрови-
 ни таъминлашга доир 14 банд-
 дан иборат “Йўл харитаси”
 тузилган бўлиб, вилоят
 ҳокимлиги томонидан сайёҳ-
 лик ҳудудларида симсиз WiFi
 зоналарини ташкил этиш
 учун оптик толали алоқа ли-
 ниясини қуриш тақлиф этил-
 ган ҳамда сайёҳлар ташри-
 ф буюрадиган маданий мерос
 объектлари рўйхати тайёрла-
 ниб, Ўзбекистон Республи-
 каси туризмни ривожланти-
 риш давлат қўмитасига юбо-
 рилган, — дейди “Ўзбекте-

леком” АК Бухоро филиали
 директори Халил Турдиев. —
 Гижувон туманидаги Абду-
 холиқ Гижувоний, Шофир-
 кон туманидаги Хўжа Муҳам-
 мад ар-Ревгарий, Моҳитобон,
 Вобкент туманидаги Хўжа
 Маҳмуд Анжир Фағнавий,
 Ромитан туманидаги Хўжа
 Али Ромитаний, Хўжа Маҳ-
 муд Бобойи Самосий, Когон
 туманидаги Саид Мир Кулол
 зиёратгоҳлари, шунингдек,
 Бухоро шаҳридаги Тими Аб-
 дуллахон, Моҳи Хоса, Чор-
 бакр ансамбллари, Модари-
 хон, Гавкушон мадрасалари,
 Чашмай Айюб, Исмоил Со-

моний мақбараси, Файзулла
 Хўжаев уй-музеи сингари
 масканлар ана шундай табар-
 руқ жойлардан ҳисобланади.
 Телекоммуникация тармоқла-
 ри етиб борган ва улاردан
 унумли фойдаланилаётган
 тарбия масканлари орасида
 Бухоро шаҳридаги 54-мактаб-
 гача таълим муассасаси ҳам
 бор. Корея Республикасидаги
 пешқадам мактабларнинг
 бири билан педагогик тажри-
 ба алмашиш мақсадида бу
 ерда онлайн интернет муло-
 қотини йўлга қўйиш мақса-
 дида оптик толали кабел
 ётқизилиб, охириги қурилма-
 лар ўрнатилди. Вилоятнинг
 барча туманларида биттадан
 ана шундай намунавий мак-
 табгача таълим муассасаси-
 ни ташкил этиш кўзда тутил-
 ганлиги эътиборга молик.

Ҳеч шубҳасиз, вилоятда
 бутун мамлакатимиз бўйлаб
 ижросига жиддий киришил-
 ган “Обод қишлоқ” дастури
 билан боғлиқ энг муҳим ва-
 зифалар ҳам эътибордан чет-
 да қолгани йўқ. Ушбу дасту-
 рга мувофиқ воҳадаги 11та
 аҳоли масканида амалга оши-
 риладиган бунёдкорлик иш-
 ларида соҳа ходимларининг
 ҳам ўз ўрни ва салмоқли ҳис-
 саси бор. Биргина жорий
 йилнинг дастлабки тўрт ойи
 давомида Шофиркон, Роми-
 тан, Бухоро ва Жондор ту-
 манларидаги қишлоқлар ва
 аҳоли масканларида эски
 симёғочларни янгиларига ал-
 маштириш, линия-кабел
 хўжаликларини реконструк-
 ция қилиш, яроқсиз ҳолга ке-
 либ қолган кабелларни ал-
 маштириш, жойларда теле-
 фонлаштириш ишларини
 амалга оширишда муайян
 натижаларга эришилганлиги-
 ни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асқар ИСТАМОВ,
 “Хабар”нинг Бухоро
 вилоятидаги мухбири

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

КУТИЛМАГАН СИНОВЛАРГА
 ШАЙ ТУРИШ КЕРАК

Ҳаёт тасодифларга тўла. Та-
 биатнинг кутилмаган синов-
 лари, бардош бериш қийин ин-
 жиқликлари, тузатиб бўлмас
 офатлари борлигини унутишга
 ҳаққимиз йўқ.

Масалан, кутилмаганда 14
 май куни об-ҳавонинг кескин
 ўзгариши, Сармишсой дарасига
 ёпирилган селнинг аёвсизлиги
 ёллан кўприклар, дарахтлар-
 ни ўпириб кетганлиги барчани
 ҳушёр тортирди. Ўзбекистон
 Республикаси Фавқулодда ва-
 зиятлар вазирлигининг 15-18
 май кунлари Навоий вилоят-
 да ўтказилган қўмондон-
 лик-штаб ўқув машғулоти-
 га тайёрлик кетаётган бир пай-
 та содир бўлган бу табиий
 ҳодиса ўқув машғулотида
 режалаштирилган асосий тад-

бирларни сидқидилдан бажар-
 ишга ундади, десак муболага
 бўлмайди.

Маълумки, ҳар қандай ха-
 бар ёки ҳолатга муносабат энг
 аввало алоқа тизимининг шай-
 лиги ва сифатига боғлиқ. Ин-
 сон ҳаёти ва тақдирини со-
 ниялар ҳал қилиши мумкин
 бўлган ҳолатларда, шубҳасиз,
 хабар ва ёрдам алоқа орқали
 амалга оширилади.

— Ўқув машғулотида тай-
 ёрлик ҳам, албатта, алоқа
 ва хабар бериш тизимларининг
 шайлигини кўздан кечириш-
 дан бошланиши табиий, —
 дейди Ахборот технологиялари
 ва коммуникацияларини рив-
 оjlантириш вазирлигининг
 Навоий вилоят ҳудудий бош-
 қармаси бошлиғи Ф.Тешаев. —

Шу боисдан ҳам вилоятдаги
 йирик корхоналар — Навоий
 кон-металлургия комбинати,
 “Қизилқумцемент”, “Наво-
 ийдонмаҳсулотлари”, “Навоий-
 азот” акциядорлик жамиятла-
 ри, Навоий халқаро аэропор-
 ти, “Куймозор” сув омбори,
 “Навоийкиккамчқораметалл”
 масъулияти чекланган жами-
 ятларидаги соҳа объектларида
 алоҳида назорат ўрнатилди.

Ўқув машғулотида саноат
 корхоналари билан бир қаторда
 академик лицей, маҳаллалар,
 мактаблар ва мактабгача таъ-
 лим муассасалари, тиббиёт
 муассасаларини қамраб олди.
 Вазирликнинг Навоий ви-
 лоят ҳудудий бошқармаси ҳуз-
 урида ташкил этилган Алоқа
 штабиди тизим ташкилотлари-

нинг фуқаро муҳофазаси бўйи-
 ча мутахассислари иш олиб
 борди.


Ахборот технологиялари ва
 коммуникацияларини ривож-
 лантириш вазирлигининг Мах-
 сус авария-тиклаш бошқармаси
 алоқа воситалари ёрдамга ке-
 либ, Навоийдаги ўқув машғ-
 улотида ўтказилган объектлардан хабардор бўлиб,
 штаб билан тезкор алоқалар-
 ни таъминлашга хизмат қилди.

Қўмондонлик-штаб ўқув
 машғулоти барча соҳалар каби
 алоқа тизими ходимларининг
 ҳам билим ва кўникмалари-
 ни яна бир қарра синовдан
 ўтказди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
 “Хабар”нинг Навоий
 вилоятидаги мухбири



КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



керакли дастурни ўрнатиб олишса кифоя. Бундай дастурлар зарарли дастурлар дейилади. Уларнинг сони ва тури чексиз, кундан-кунга янгилари пайдо бўлмоқда: вируслар, троянлар, руткитлар, кейлотгерлар...

пулни ўтказиб беришни сўрашди... Бу интернетта хос фирибгарлик турларидан бири.

Вируслар қаердан пайдо бўлади?

Зарарли дастурлар электрон почтангизга келган хатда яширинган бўлиши, флэшкада келиши ёки интернетдан шубҳали дастурларни юклаб олганда компютерингизга тушиши мумкин.

Компютерга вирус тушганини қандай билса бўлади?

■ Компютер қотиб ишлади — ёқилган, дастурлар ишга туширилган, бироқ клавиш ва сичқонча буйруқлари тез (ёки умуман) бажарилмайди.

■ Дастурлар ва тизим хабарлари ойнаси ташқи кўриниши ўзгариб қолади. Тизим хабарларига ўхшаган, бироқ маъносиз символлардан иборат ойналар пайдо бўла бошлади.

■ Диск ёки биронта папкани очиб бўлмай қолади. ■ Электр тармоғида узилиш бўлмаса ёки ўчириб-ёқиб буйруги берилмаса ҳам компютер беихтиёр ўзи ўчиб-ёнади.

■ Клавишларнинг "роли алмашиб қолади", дейлик, "пробел" кутилмаганда "Esc" клавишининг вазифасини бажара бошлайди ва ҳоказо.

■ Ҳамма сайтлар ёки айримларини очиб бўлмай қолади (биринчи навбатда антивирус компаниялари сайтлари).

■ Браузер созуламалари ўзгариб қолади (кўпинча хавфсизлик опциялари, бош саҳифа ўзгариб қолади).

■ Папка ва файллар фойдаланувчининг иштиросиз ўзгаради.

(Давоми бор.)

Сабоқларимизни кузатиб боринг.

16-дарсимиз антивирусларга бағишланади.

15-ДАРС. Ахборот хавфсизлиги

Ҳаётдаги бўлгани каби интернетда ҳам муайян хавфсизлик чораларига риоя қилишга тўғри келади. Масалан, интернетда ҳам фирибгарлар бор. Улар компютерингизга кириб, шахсий маълумотларингизни ўғирлаш пайида бўлишади. Компютерингизга кириб олишганидан кейин, сизнинг номингиздан электрон почтада хатлар жўнатишади, бошқа компютерларга ҳужум уюштиришади. Бу худди паспортингизни ўғирлаб, сизнинг номингиздан иш кўриш билан баробар.

Компютерингизга кириш учун хакерлар ўзларига

Интернетдаги фирибгарлик турлари

Масалан, электрон почта ёки ижтимоий тармоқлар орқали жуда коплаб спам келади. Спам бу — сиз сўрамаган, кераксиз хабарлар. Уларни жўнатувчилар спамерлар дейилади. Спамерлар жуда кўплаб хатларни жўнатиш орқали турли товар ва хизматлар рекламасини тарқатишади, шунингдек, вирусларни ҳам. Одатда вирусли спамларда зарарли дастур жойлашган сайтларга ҳаволалар бўлади.

Бу ҳаволага киришингиз ҳамон компютерингизга вирус юкиб қолиши мумкин. Бундай зарарли вируслар нуфузли компаниялар, ҳатто давлат органлари "номидан" келган хатларда ҳам учрайди. Сизга SMS жўнатиш таклиф этилади. Шу тарзда даврий равишда телефонингиздаги муайян маблағ йўқолиб қолаверади.

Масалан, сиз қайсидир танлов голиби бўлганингизни ёзишлари, мукофотни олиш учун паспорт ва пластик картангиз рақамларини жўнатишингизни сўрашлари мумкин.

Шундай таклифлар ҳам бўлади: сизга товарни арзон нархда сотиб олишни таклиф қилишди ва аввал

МАСЛАҲАТ

СМАРТФОНДАН

бу нарсаларни ўчириб ташланг!



Оддий саволга оддий жавоб бериб бўлмайди. Мана, савол: "Сизга телефон нима учун керак?" Жавоб беришга шийланган. Theuk.one сайти мутахассислари берган жавоблар билан ҳам танишинг. Балки фикрингиз ўзгарар.

Ижтимоий тармоқлар

Ижтимоий тармоқлар бугунги ҳаётимизнинг фавкуллода ҳолисаси. Ҳатто кўплар уларнинг мобил иловаси(ёки иловалари)гача ўрнатиб олишди. Мобил иловага хабарларнинг ўзи келади, янги фотосуратларни пост қила оласиз, муҳими, дўстлар билан доимий алоқа бор. Шундай экан "Сизга телефон нега керак?", деган оддий саволнинг жавоби ҳам мантиқан олганда оддий: "Дўстлар билан мулоқот қилиш учун". Шу ҳолосми? Аммо текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади, дўстлар!

Ўзингиз ўйланг, "ижтимоий" мобил иловалар тизим ресурсларининг катта қисмини сарфлайди, демакки, мобил телефон батареяси қуввати ҳам анча-мунчага камаяди. Ҳар йили чиқадиган "AVG Android App Report" да ёзишларича, Android-иловалар орасида айнан мобил Facebook "очқўзлиги" бўйича биринчи ўринда туради. Де-

мак, смартфондан ўчирилишга "биринчи рақамли" даъвогар.

Мобил иловасиз ҳам Facebookдан енгил фойдаланса бўлади: инсталган яхши браузерда сайтнинг мобил талқинини очинг. Компютердагисидан фарқи жуда оз, қайтанга телефон батареяси қуввати тежаллаши ҳисобига дўстларингиз билан мулоқотингиз давомлроқ бўлади.

Об-ҳаво иловалари

Телефонда об-ҳавони билиш яхши, доим ёнингизда. Об-ҳаво мобил иловалари билан шуғулланувчиларгаям қойил: оддий нарсани шунчалик мураккаблаштириб юборишди: анимацияли обойлар, метеорологик хариталар, интерактив виджетлар... Сизга шунчаки эртанги ҳаво керак: ёмғирми-қуёш, иссиқми-совуқ... Буюқда эса телефон батареясининг шўри қуриб ётибди. Йўлда ёмғирга тўтилиб қолсангиз, шу илова ёрдам берадими? Энг тезкор хабарни билмоқчимсиз, ана, деразани очинг. Бир неча кунлик об-ҳаво хабари эса интернет ресурсларида етарлича, масалан, Google яқин кунлардаги об-ҳавони деярли бехато айтиб беради.

Антивируслар

"Мен телефондан ахборот олишда фойдаланаман. Шунинг учун ҳам антивирус керак". Тўғри ва асосли жавоб, аммо яна бир савол туғилади: "Сиз ахборотни қасрдан қидирасиз?"

Долзарб ва росткамитга фойдали ахборот қурилмангизни хавф остига қўйишига ишонши қийин. Лўнда қилиб айтганда, фақат сифатли контентдан фойдаланишга одатланган, шубҳали манбалардаги бузилган дастурларни мўнатишга уринманг. Шунда сизга антивирус керак бўлмайди. Google ўз онлайн дўкон маҳсулотлари сифатига доим ҳушёр ёндашиб келган, хавфли дастурларни топиши билан ўчириб юборди. Шунинг учун ҳам антивируснинг доимий фаол мониторингинг реал фойда келтирмайди. "Доимий" сўзига эътибор беринг! Аммо бу хавф йўқ дегани эмас. Агарда қурилмангизда вирус бор-йўқлигига шубҳангиз бўлса антивирус ўрнатинг, зарарли дастурни топиб йўқ қилинг, ундан сўнг антивирусни ҳам ўчириб ташланг.

Тизим

оптималлаштирувчилари

Афсуски, аксарият бу тоифа иловалар ё ўз ишини бажара олмайди ёки борини ҳам йўқ қилади, худлас, турган-битгани зарар. Кэшни тозалаш, эски дастурлар қолдиқларини ўчиришни қурилмага ўрнатилган тизим асбоблари ҳам улдалайди. "Тозалаш" аслида дастурларнинг очирилиши ва андроид ишини қийинлаштиради. Нима қилиш керак? Телефонингизнинг ўз ички имкониятларидан фойдаланинг. Андроиднинг ўз воситалари муаммоларга қарши чет дастурларсиз ҳам кураша олади.

"Прошивкадан чиққан" браузер

Оддий саволга охириги жавоб. Кўпинча чет ишлаб чиқарувчилар ўз "прошивка"ларига махсус браузерлар ўрнатишади. Бу браузерларнинг ичига эса реклама берувчиларнинг сайтларига ёки сизга умуман керак бўлмаган контентларга элтувчи ҳаволалар жойлаштирилади. Бундай браузер сизнинг маълумотларингизни кимларга улашиши эса алоҳида мавзу. Худлас, буниям ўчирмазми! Урнига-чи?

Андроид учун ўнлаб яхши браузерлар бор. Масалан, Google Chrome кўпларнинг назарида ишончли ва тезкор браузер. "Хром" функцияларга бой, замонавий веб-технологиялар билан қўллаб-қувватланади, мобил трафики иқтисод қилади, оддий ва тушунарли интерфейсга эга дейишади. Бўёги сизнинг дидингизга боғлиқ.

Ўйлаймики, берган маълумотларимиз сизга асқотади, телефонингиз равон ишлашда давом этади!

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



МУКОФОТ

Финляндиялик 74 ёшли олим 1 миллион евро мукофот олди

Фин физик-материалшуноси Туомо Сунтоло Финляндия технология академиясининг Millennium Technology Prize мукофотига сазовор бўлди. Мукофот пули — бир миллион евро.

Millennium Technology Prize 2004 йили таъсис этилган. У ҳар икки йилда катта амалий аҳамиятга эга ютуқлар учун берилди ва Нобел мукофотининг ўзига хос технологик аналогига саналади. Илгари бу мукофот интернет асосчиси Тим Бернерс-Ли, Linux амалий тизimini яратган Линус Торвалдс, ҳужайралар тадқиқотчиси Шиня Яманакка каби таниқли



шахсларга берилган.

Фин олими 1974 йили ишлаб чиққан атом-қатламли жойлаштириш усули учун бу мукофотга лойиҳа топилди. Бу усул турли хусусиятга эга жуда кўп қатламли материалларни ўта юпқа қатлам билан ажратишни кўзда тутиб, процессорлар, дисплей-

лар, хотира қурилмаларини ишлаб чиқишда кенг қўлланилади.

Миллион евро 74 ёшли олим учун қўтилмаган совға бўлди. У ҳозир пенсияда бўлишига қарамастан, Эйнштейннинг нисбийлик назариясини таҳлил қилиш билан бандлигини билдирган.

СМАРТФОНЛАР

iPhone X — энг харидоргир смартфон

Counterpoint ҳисоботларига кўра, март ойида Apple iPhone X дунёда энг кўп сотилган смартфон мақомига эга бўлган, унинг улуши — 3,5 фоиз. Шунингдек, яна бир Apple — iPhone 8 Plus бу рейтингнинг юқори поғонасидан ўрин олди.

Андроид-смартфонлар орасида Xiaomi Redmi 5A ТОП-3га кирди. Тўртинчи ўринда ўринда Oppo A83, кейинги поғоналарда Samsung компаниясининг S9 ва S9+ смартфонлари.

ГЛОБАЛ ТАРМОҚ

Олимлар: ёввойи хайвонлар учун энг хавфли жой — интернет

IFAW олимлари ўтказилган қатор тадқиқотлардан сўнг интернетни айрим ёввойи хайвонлар учун хавфли маскан деган қарорга келишди. Ноёб тошбақалар, филлар, йўлбарс ва айиқлар ноқонуний савдоси 90 фоиз ҳолатда интернетда амалга ошириляпти.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

Instagram ёқимсиз постларни инкор этади

Яқин орада Instagram ижтимоий тармоғида янги функция пайдо бўлади, у тасмадаги кераксиз ва ёқимсиз хабарларни инкор этиш имконини беради. Бошқа фойдаланувчи эса ўз хабари тасмада чиқмаётганини билмайди. “Учирилган” аккаунт ёзувларини орқага қайтариш ва профилга кириб кўриш мумкин бўлади.

Instagram маълумотларига кўра, 25 ёшгача бўлган кишилар кунига ўртача 32 дақиқадан кўп вақтини ижтимоий тармоқда ўтказмоқда, бошқа ёшдагилар 24 дақиқа сарфлашади. Сервис аудиторияси ҳозир 800 миллион фаол фойдаланувчига етган бўлиб, шундан 500 миллиони ҳар куни Instagramга киради.



Лойиҳа муаллифлари Франция, Британия, Россия ва Германия интернет-порталларини ўрганиб чиқишди. Улар ёввойи хайвонлар ҳақидаги 11,7 мингта мақола, юзлаб платформалардаги беш мингдан ортиқ эълонларни топишди.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

АККУМУЛЯТОРЛАР

Магнит диодли лэптоплар қувватланишсиз 20 сутка ишлайди

Миссури университети физиклари ишлаб чиққан янги материал ихчам қувватлаш қурилмаларига бўлаётган икки эътирозга барҳам бериши мумкин — ишлаш муддатининг қисқалиги ва тез қизиб кетиши.

Мазкур 2D-материал кремний юзасига магнит қопламни жойлаштириш орқали олинади. Олин-

ган икки ўлчамли тузилма токни фақат бир йўналишда ўтказиши.

“Ҳали тайёр маҳсулот олишгача қилинадиган ишлар жуда кўп, фақат шунини ишонч билан айта оламаники, биз бунга эришсак аккумуляторлар ҳозир 5 соғатга сарфлаётган ресурс 500 соғатга етadиган бўлади”, — дейди лойиҳа раҳбари, физика ва астрономия доценти Дипак Сингх.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Алмазбек Атамбоев коррупцияда айбланмоқда

Қирғизистонлик фаоллар собиқ президент Алмазбек Атамбоевнинг коррупцияда ва мамлакат қарзининг икки баробар кўпайишида айбланмоқда. Уларнинг фикрича, бош прокуратура Атамбоевга нисбатан жиноий иш кўзгайтиши лозим. Бу ҳақда матбуот анжуманида фаоллардан бири Таалайбек Жумалилов айтиб ўтди. Унинг айтишича, бош прокуратура “Коррупция” моддаси бўйича Атамбоевга нисбатан иш кўзгайтиш бўйича тўлиқ ҳуқуққа эга. Матбуот анжуманининг яна бир иштирокчиси Абдумалик Мирзаевнинг айтишича, Қирғизистонда энг коррупциялашган давлат қурилган. Амалдаги президент Сооронбай Жээнбеков айтилган фактларга эътибор қаратиб, тегишли чоралар кўриши лозим.

Кўрғазмада Андалус боғлари

Қатар жамғармаси ҳомийлиги остида бўлиб ўтаётган “Ал-Андалус боғлари” кўрғазмаси жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Мусулмон Испанияси тарихини ўрга-

нувчи тадқиқотчилар фикрига кўра, мусулмонлар XIII-XV асрларда ўлжага “яшил инқилоб” олиб кириб, уни тиббиёт, фармакология, гастрономия ва иқтисод соҳаларига татбиқ этишган. Маълум бўлишича, улар янги дам олиш масканларини яратибгина қолмай, балки янги ўсимлик турларининг пайдо бўлишига сабабчи бўлишган.

Эрдўғон Исроилни иқтисодий қамалга олиш режасини ишлаб чиқди

Ўтган ҳафта Туркия ташаббуси билан ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) навбатдан ташқари йиғилишида ташкилотга аъзо мамлакатлар Исроилга қарши иқтисодий ва савдо чекловлар жорий этиш борасида келишиб олишди. Шу муносабат билан Туркия президенти Ражаб Тойийл Эрдўғон жумладан шундай деди: “ИХТ давлатлари Исроилни иқтисодий қамалга олиш тўғрисидаги қарорни ҳаётга татбиқ этишига умид қиламан. Туркияда 24 июн кунини бўлиб ўтадиган президент ва парламент сайловларидан сўнг, биз ҳам бу масала бўйича зарур бўлган чора-тадбирларни кўриб чиқишни кўзлаб турибмиз”.

Помпео: КХДР аҳолиси ҳаётини яхшилашга тайёрмиз

АҚШ давлат котиби Майк Помпеонинг маълум қилишича, Қўшма Штатлар шимо-

лий корейлик оламлар ҳаётини яхшилашга тайёр. Бу КХДР ядросизланишни амалга оширсак, юз беради. “Агарда ядросизланишга эришсак, унда АҚШ КХДРдаги одамлар ҳаётини яхшилаши мумкин бўлган кўплаб нарсаларни уларга тақдим этишга тайёр бўлади”, — дея айтиб ўтди Помпео. Унинг фикрича, Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин Америка технологияларини қўллаб, уларни КХДР халқи учун муҳим, деб ҳисоблайди.

Аҳил-иноқ яшаш намунаси

Белгия католиклари Брюсселнинг тарихий марказида жойлашган авлиё Иоанн ибодатхонасида барча дин ва этник қавилларини қаққириб, Рамазон ойи кириб келишини бирга нишонлашни таклиф қилишди. Бу ерда кун давомида рўза тутган мусулмон, насоро, яҳудий, агностик ва бошқа этник қавиллари биргаликда ифтор қилиб, аҳил-иноқ яшаш намунасини кўрсатишди.

Сурияда арзон моллар бозори очилди

Жангарилардан озод этилган Шарқий Ғўтанинг Зума шаҳрида кам таъминланган оилалар учун арзон моллар бозори



очилди. Бозор раҳбари Қози Лофарининг айтишича, бу ерда сотилаётган ҳаёт учун энг зарур бўлган маҳсулотларнинг нарханавоси Дамашққа нисбатан анча паст.

Исроил БМТ Ғазодаги қатлиомни тергов қилишига қарши

Исроил Ташқи ишлар вазирлиги БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Исроил ҳарбийлари Ғазода уюштирган қирғинбаротни ўрганиб чиқиш учун махсус комиссия ташкил этишга доир қарорига қарши чиқди. Ўз навбатида, ҲАМАС ташкилотининг фикрича, яҳудий давлатининг ушбу қатлиомда қўли борлиги боис, Исроил БМТ қарорини рад этмоқда.

Сал олдинроқ Ғазодаги мухторияти ПИВ раҳбари Риез ал-Малики Исроил ҳукумати Ғазо ҳудудида уюштирган қирғинбаротни тасдиқловчи ҳужжатларни Гаагадаги Халқаро жиноят маҳкамасига тақдим этган эди.

Трампадан солиқларни камайтириш бўйича янги ташаббус

АҚШ президенти Доналд Трамп мамлакатда солиқларни камайтириш бўйича янги ташаббусни тақдим этиш ниютиди. “Улар жуда ўзгача бўлади. Биз бундай чораларни ноябрга қадар тақдим этишни мўлжалламоқдамиз”, — дея маълум қилди Трамп. Унинг сўзларига кўра, солиқларни қисқартитиш бўйича янги чоралар АҚШ учун кўп нарсани ҳал қилишда ёрдам беради.

У.ТОҶИБОВ тайёрлади

ДЎСТЛИККА БАХШИДА УМР

“**Дадам бизларни “Яримтанон – роҳатихон, битта нон – балои жон” дея қаноатда умргузаронлик қилишга ўргатди.**”

Улуғ ёшларда ҳам саломатлиги, соғлом ақлини сақлаб қолган инсонлар билан ҳамсухбат бўлиш гоё мароқли. Сонсиз-саноқсиз саволларингизга жавоб топиб қувонасиз. Демак, ҳамма ҳам узоқ ва фаол яшаши, ўзидаги тажриба-ю имкониятларини ишга солиб, элу юртга хизмат қилиши жуда муҳим. Ана шундай ажойиб инсон, юз-кўзларидан нур ёғиб турадиган баланд бўйли, бардам-бақувват Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қурбон бобо Сатторов билан дилдан суҳбатладим. Тиниқ фикрлаши, жанрангдор овози, суҳбатдоши ҳаёлидан ўтаётганини бир зумда англаши янада ҳайратланарди.

— Педагогика билим юртини тугаллаб мактабда олти ойча ишлаб қўйгандим, — дея ҳикоясини бошлади Қурбон бобо. — Уруш бошлангач, бир қанча ўртоқларим билан урушга тезроқ кетиш ҳаракатига тушдик, фақат 1942 йилдагина бизнинг армиямизни қондиришди. Мен Чоржўйда, Орловскдаги пилдалар ҳарбий билим юртида ярим йил тайёргарликдан ўтдим. Подмосквьеда яна навбатдаги тайёргарлик бўлди. Сўнг Калинин фронтига йўл олдик. Миноёт гуруҳининг командири сифатида қонли жангларда қатнашдим. Неча бор ўлимлардан омон қолдим, госпиталларда даволаниб чикдим. Ҳар гал онажонимдан рози-ризозлик сўрардим. Бир гал жуда ғалати бўлганди. Этик қияётган эдим. Тўсатдан душман самолёти пайдо бўлиб қолдию ҳўшим бошимдан учди-кетди. Ерга тегай-тегай деб учиб келяпти балои қазодай, қарасам, ишонаверинг, учувчининг катта-катта кўзларини кўрдим. Энди эҳтимол ўтиб кетар, деб ўйлагандим. Қаёқда. Ташлади

бомбани. Ўша он онажоним билан видолашдим: “Хизматингизни қилолмадим, онажонингиз, мендан рози бўлинг”. Ҳартугул умрим узун экан. Қуролдош дўстларим бомба тушган жойга югуриб келишиб, икки метр қум остидан қулогим ва бурнимдан қон оқаётган ҳолатда мени кавлаб олишибди. Бир этигим қум уюми устида қолгани менга омонлик берди, умр берди. Ўша қақшатқич жангда 18 кишидан олти киши қолгандик. Мен кўп бора сафдошларимни ўлимлардан сақлаб қолдим, неча бор улар менга ҳаёт аталмиш бахтни тўхфа қилишди. Уруш синовларида тоблана-тоблана ғалаба қунларига ҳам етказди. Лекин мен фақат 1946 йилда оёқларим ярамай қолгач, ҳассага таянган ҳолда Ваҳдат туманига қайтдим.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, улар асли Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидан бўлиб, тақдир тақозоси билан ота-оналари Тожикистонга бориб қолишган экан. Айни кучга тўлган йигит бир муддат Ваҳдат туманидаги 10-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Олдинига туманда, сўнг вилоятда, кейинчалик республика миқёсида ёшлар ташкилотиде раҳбарлик вазифаларида хизмат қилган. Ўтган асрнинг элгинчи йилларини ҳаяжон билан хотирлайди. Зеро, инсоннинг шижоатга тўла йиллари бу халққа филойиларча хизмат қилган энг гуллаган ёшлик давлари бўлиб, ҳар ким ҳам ўша йиллар завқи билан яшайди. Тожикистонда ўзи ташкил этган Ўзбек жамиятининг раиси бўлиб ишлаган йилларни-чи, унутиб бўлармикин. Ўзбекистонга тожик мактаблари учун тожик адиблари ва шоирларининг бадиий ки-

тобларини ва олимларнинг дарсликларини олиб келишганини, Тожикистондаги Ўзбек мактабларига Ўзбек адиб ва шоирлари китоблари ва дарсликлар олиб кетишганини майда тафсилотларига ҳикоя қилишдан ҳам ҳузурланади. “Тожикистон” республика газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаган йилни китобга, матбуотга қаттиқ меҳр қўйганини эслаш ҳам бобо учун ниҳоятда ёқимли.

— Ҳозир шахший кутубхонамдаги китобларим 20 мингдан ҳам кўпроқ. Энг қалин китобни ҳам 6-7 кунда ўқиб тугатаман, — дейди бобо мамнуниятини яширмай. — Китобга, матбуотга меҳрим бўлакча. Шу боис ҳам чеварам Диёра бежиз жунамастикани танламади. Американинг Колорадо штатида, номи ёдимда йўқ, бир журналда ишлайди.

Рафиқаси гинеколог шифокор Шарофатхон Ҳайдарова Фарғонанинг Кўчқорчи қишлоғида китобларимни ўқитиб беришди. Яқинда шаҳар ва вилоят раҳбарлари пул мукофотини топширишган бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қимматбахшо савоиси — тилла соатни тақдим этишди. Иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром бўлса, шунчалик бўлар. Худо берган Президентимиз дунё тургунча турсинлар. Бизларни қадрлаш билан боғлиқ

тадбирларни санаб адо қилиш қийин. Ҳокимларга ҳам раҳмат, мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмаларини беҳато бажариб дилларимизни хушнуд этишмоқда. Олганлари олтин бўлсин.

— Дадаимиз жудаям меҳрибон, жудаям олижаноб, таърифлашга киришсам сўз бойлигим етмаслигини сезиб тураман, — дейди қизлари Сулоатхон опа. — Назокат опам шифокор, олимпиа, Дилбар опам тарихчи, катта опам фан номзоди. Мен эсам ўқитувчиман. Узоқ йиллар Фарғона шаҳридаги 5 ва 28-мактабларда инглиз тилидан дарс бердим. Ҳозир нафақаламан. Дадам бизларни “Яримтанон — роҳатихон, битта нон — балои жон” дея қаноатда умргузаронлик қилишга ўргатди. “Қўлинг ҳам қалбингдек пок бўлсин”ни такрорлашдан толмади. Шукр. Ҳаммамиз жамиятга керакли одамлар бўлиб камолга етдик. Фарзандларимиз ҳам жамиятда муносиб ўринларга эга бўлишгани ҳам шу дадажонимиз тўғрисида. Шу кунларда дадам қувончининг чеки-чегараси йўқ. Қўшни давлатлар билан кўни-қўшничилик алоқалари тикланганидан бир қувонсалар, Шомаҳмудовлар ҳайкали тарихий жойига қайтарилганидан ўн қувонадилар.

Иккинчи жаҳон урушида 806-полк, 235-дивизияда фашизмга қарши жангдошларда жонини гаровга қўйиб жанг қилган, сиз билан бизнинг тинчлигимиз, бахту иқболимиз учун курашган жасур қаҳрамон Қурбон бобо Сатторовга умрингиз бундан-да зиёда бўлсин, деймиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

31 МАЙ — БУТУНЖАҲОН ТАМАКИ ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ИЛЛАТДАН САҚЛАНИНГ

Тамаки чекиш — инсон учун энг зарарли ва хавфли одат ҳисобланади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пассив наркотик, деб эълон қилинган сигарет таркибидаги 196 хил заҳарли модданинг

14таси гиёҳвандлик моддаларидир.

Инсон биринчи марта чекканда, ўзида нохуш ҳолатлар, яъни бош айланиши ва оғриғи, кўнгил айнаши ва умумий ҳолсизликни сезади. Бу ҳолатларга кўниккан одам


сурункали чекувчига айланиб боради. Тамаки бош мия фаолиятига таъсир этиб, нерв ҳужайралари фаолиятини сустайтиради. Чекиш бутун организмга салбий таъсир этиши оқибатида хотира, мускул кучи пасаяди. Шунингдек, чекиш юрак-қон томир касалликларига олиб келувчи омиллардан биридир. Никотин сурункали бронхит, “кашанда йўтали” ва саратон касаллигини чақиради. 100 грамм тамаки ёнганда 5-7 грамм никотин ажралиб чиқади ҳамда у 20 сония давомида қонга тушиб, марказий ва периферик асаб тизимига фаол таъсир қилади.

Мамлакатимизда ҳам чекишга қарши кураш оммавий тус олган. Айниқса, ёшлар ўртасида чекишнинг зарарли оқибатлари ҳақида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий натижа бермоқда. Ҳар йили 31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни сифатида кенг нишонланиб, аҳоли орасида тар-

ғибот-ташвиқот ва оммавий тадбирлар ўтказилади. Айниқса, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида талабалар ўртасида олиб бориладиган саломатлик тадбирлари уларда мулоҳазали фикрларни уйғотади.

Албатта, бу балога онд маълумотларни эшитиш, ўқиш, билиш учун чекувчи ёки ичувчи бўлиш шарт эмас. Балки чекмайдиган, бу иллатдан йироқ бўлган кишилар ҳам кашандаликнинг зарарлари, инсониятга салбий таъсири ҳақида керакли маълумотларни ҳужжат-далиллари билан билиб қўйишса, фойдадан холи бўлмайди. Бу билан йилларини бошқаларга айтиш, лоақал ўз фарзандларини, яқин кишиларини бу зарарли иллатга мубтало бўлишдан сақлаб қолиш имконига эга бўладилар.

Ж.ЯДГАРОВА,
Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят АКМ бўлим мудир





(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

— Унда, демак, — деди немис, — сенда тухум бор? Деҳқон куёшнинг кўзни қамаштирадиган нурлари остида гезариб ётган кенг ва бўм-бўш омборхонаси томонга қўлларини ёзганча бош чайқади.

— Сенинг ўртоқларинг, — у яна тушунтиришга тутинди, — сизирни олиб кетган ўртоқларинг, товуқларни ҳам тортиб олишди. Еттига товуғимиз бор эди. Мен лейтенант билан сизир борасида гаплашиб турган пайтимда бошқалари оғилдаги ҳамма товуқларни олдилар. Мен буни сезиб қолган заҳоти лейтенантнинг ортидан чопдим ва унга: “Ё, худоим, энди мен нима қиламан? Боламни нима билан боқаман?” — дедим. Аммо лейтенант: “Меники ҳеч нарсани тушунишни истамайди”, — деди.

Қариялар оёқларининг тагига боқганча: “Майли, улар шу билан роҳатланаверсинлар”, — дердилар.

Елимланган чармгилдирак омборхонанинг нариги томонидаги аргувон дарахтининг тагига турарди. Энди юк машинаси кетавериши ҳам мумкин эди. Аммо немис деҳқоннинг олдида турарди. Унинг камзули расамалидагидай қалин қайиш билан боғланган эди. Қайишдан эса деҳқон авваллари ҳам кўп кўрган узун автоматли тўппонча-ю унинг теридан ишланган гилофи осилиб турарди. Деҳқоннинг назари ана шу тўппончали гилофда тўхтади.

— Нон, — деди деҳқон, — мен сенга фақат нон беришим мумкин. Чунки менда озгига ун қолган эди. — Кейин қўшиб қўйди: — Агар ўзимиз янчамаганимизда, бу йил ҳеч қанақа егулик бўлмасди, чунки машиналарни жўнатишмади. Сенга нон беришим мумкин.

— Нон, — деди немис. — Ҳа, — деди деҳқон. — Нон. Яна винобоп мевалар ва шафтоли. Буларни бера олишим мумкин.

— Мен киришни хоҳлайман, — деди немис, — бу ер жуда иссиқ.

— Аргувон дарахтининг соясиди, — деди деҳқон, — сенга уйдагидан салқинроқ бўлади.

— Йўқ, — деди немис, уни итариб юбораркан. — Мен киришни хоҳлайман.

Ўша 1944 йилнинг ёзида қанчалар немислар бизнинг уйларимизга ювқисиз оёқлари билан бостириб кирдилар?

Деҳқон унинг изидан кирди, биз ҳаммамиз шундай

БИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИГАН ЁЗ

Марчелло ВЕНТУРИ

(ҲИКОЯ)



уларнинг изидан кирганмиз ва уларнинг бизнинг хонадонимизда айланиб юришларига боқиб турганмиз.

— Сен юқорига чиқ, — деди деҳқон хотинига. Аёл қўлида гўдагини кўтариб турарди, боланинг бошчаси оша кулиб қўйди. Бу 1944 йил ёзининг кулгуси эди, шунчаки кулгу эмасди, ҳақиқий кулгу эмасди.

— Нега? — сўради аёл зинадан чиқишга чоғланаётганини кўрган немис. — Қўрқасанми? — сўради у. Уни қолишга мажбур қилиш учун қўшиб қўйди: — Менда болалар бор, Олмонияда. Хотин ҳам. Сенда кўрқиш керак йўқ.

Аёл, нима қилишни билмасдан, эрининг нигоҳини излади ва турган жойида, зинанинг пиллапоясиди, боласини бағрига босганча туриб қолди.

Хонада стол турарди. Бир неча курси ҳам. Немис ўтирди ва чўнтагидан рўмолчасини чиқарди. У ёноқларидан оқаётган терни артди.

— Мен нон хоҳлайман, — у аёлни тинчлантираётгандай деди. — Винобоп меваларни ҳам.

Кейин сўради: — Неча ёш? — у болани кўрсатди.

— Уч, — деди аёл, зинадан тушмай. У юқорига кўтарилишни ҳам, хонада қолишни ҳам билмасди.

Деҳқон деворга суяниб турар, қўли чўнтагида солинган, нигоҳи тўғрига қаратилганди.

— Кичкина, — деди немис. — Сен-чи?

Аёл яна эрига қаради.

— Сенинг ёшинг неча? — сўради немис.

— Йигирма беш, — жавоб берди аёл. Сўнг эрига ялинчоқ назар солди. У бошқа хонага боришни ҳам, немис буюрганидай шу ерда қолишни ҳам билмасди. Унинг кўзларида ёш қалқаятгани ва у юзларини боласининг

бошчаси ортга яширишга уринарди.

— Сен гўзал синора, — деди немис, — сенда кўрқиш керак йўқ. Мен шу ерда ўтираман, чунки машина билан иссиқ. Мен оқшомни кутмоқ, — деди у. — Ҳозир нафас олиш қийин.

Ўша 1944 йилнинг ёзида нафас олиш қийин эди. Биз жазирамадан ва оловотар қуроллар кўтарган немис аскарларидан бўғилиб ётардик. Дарахлар машғалалардек ловуларди. Бизнинг қарагайларимиз. Аёллар ва эркаклар қўйлардай тентираб воҳага туриб келардилар. Аммо улар қўйлар эмасдилар, улар одамлар эдилар, таёққа тугилган уйларини ортмоқлаган одамлар.

Немис папирос тутатди.

— Менинг ҳам, — деди у, — хотин бор. Жуда гўзал меники синора. Аммо сен гўзалроқсан, — деди у.

Аёл кўз ёшларини яшириш учун юзини боласининг боши орқасига яширди. Юраги кўрқувдан қаттиқ тепа бошлади. Томоғига нимадир тикилди.

— Нон қани? — деди немис, деҳқонга мурожаат қилиб.

Деҳқон, гўё ногоҳон саросималдан чиққандай, секин жавонга томон юрди, эшикчани очиб, битта бутун нон чиқарди. Пичоқни олди. Нон ва пичоқни немиснинг олдига қўйди.

Кейин аввалги жойига ва яна деворга суянди, қўллари чўнтакка кирди; бўм-бўш кўзларини яна тўғрига тикди. Унинг хотини ҳам аввалгидай зинопода турар, кўз ёшларини боласининг бошчасига ишқалаб артишга уринарди.

Немис бизнинг номимиздан бир парча кесиб олди.

— Сен айтдинг — винобоп мевалар, — деди у. — Мен винобоп мева хоҳлайди.

— У ёқда, — деди деҳқон эшик ортини кўрсатиб.

— Сен меваларингни келтир, — деди немис.

Аммо деҳқон деворга суянганча, қилт этмай турарди. Шунда аёл зинапоядан туриб винобоп мевалардан узич учун полиз томонга йўналди.

— Мен олиб келаман, — деди у.

Немис курсидан туриб, уни тўхтатди.

— У боради, — деди немис эрини кўрсатиб.

Деҳқон эшикка йўналди, очиқ эшикдан ҳовлидаги ловуллаган ёзга, аргувон дарахти тагига турган чармгилдиракка назар солди, кейин ўгириди ва хотинига қаради. У боласининг бошлари ортиндан унга қараб турарди. Қуёш жизганак қўлаётган оқиш полизга бораётган эрини кўрди. Унинг юраги томоғига тикиларди.

— Иссиқ, — деди немис аёлга. У оҳиста юриб бориб, эшикни бекитди.

— Сеники қанақа исм? — сўради у аёлдан.

Аёл тушунмади. У фақат кимнингдир қўли унинг сийнаси ва боласи ўртасига суқилаётганини сезди.

— Оч! — деҳқон эшик орқасидан бақирди. — Оч, немис. Бу ердан тирик кетмайсан.

Аёл немис автомат тўппончасини чиқарганини, пешонасини артаётганини кўрди. Отишга тайёр тўппонча билан эшикка қарб борганини ҳам кўрди. Аёл кўзларини юмди.

1944 йилнинг ёзи эди. Бу воқеа ўша ёзда бўлган эди. Ўша деҳқон мен эдим, у сен эдинг, қўлларимизда пичанхонадан, пичан тагига берки-тиб қўйилган жойидан олинган милтиқларни маҳкам сиқиб турардик. Биз ҳеч қачон унутолмайдиган ёз ловуллаб турарди. Биз уни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўшанда, ўша ёзда биз отишни ўрганган эдик.

Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

Дунёдаги энг катта гонорар Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир Оппианга тўланган. Унинг балиқ тутиш ва ов ҳақидаги достонининг ҳар бир сатри учун 1 олтин танга ҳадя қилинган. Унинг икки достони 20 000 байтдан иборат.

ТЎЛҚИНЛАР "СИРИ"НИ ТОПГАН АЛОҚАЧИ



Иброҳим МАҚМУДОВ

Иброҳим ака меҳнат фаолиятини Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида оддий чилангарликдан бошлаб, "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонасининг вилоят Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи вазифасигача бўлган барча bosқичларни босиб ўтган тажрибали мутахассис. Навоий вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси муҳандиси, Кармана телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси, Навоий вилояти давлат алоқа инспекцияси инспектори вазифаларида ишлаган қатор йилларда алоқа соҳасининг билимдони, ўз касбига садоқатли эканлигини амалда кўрсата олди.

Умрининг 43 йилини алоқа соҳасига бағишлаган бу фидойи инсон 2005 йилдан буён Навоий вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Тошкент электротехника алоқа институтини 1984 йили электралоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича тамомлаган Иброҳим Мақмудов ўз касбий маҳоратини оширишга катта аҳамият берди. Қаҳрамонимиз ўтган давр мобайнида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва уни замонавий техник воситалари билан таъминлаш ва ишлатишда ўзининг бир қатор таклифларини киритибгина қолмай, жараёнда бевосита иштирок этган соҳа билимдони сифатида ҳам алоқиди ҳурмат ва эътиборга сазовор инсон.

Ўз касбининг устаси Иброҳим Мақмудов Ўзбекистон алоқа соҳаси, жумладан, унинг хавфсизлигига катта ҳисса қўшган. Ноқонуний ишлатилаётган (радиоҳаваскорлик станциялари) воситаларни аниқлаш юзасидан ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳамкорлигида республикамизнинг турли ҳудудларида ўтказилган кўплаб рейдларда фаол иштирок этди.

Ўзининг ижобий фазилатлари билан нафақат корхонада, балки бошқа алоқа ташкилотлари ўртасида ҳам ҳурмат қозонган, талабчан, гамхўр устоз.

Иброҳим аканинг кўп йиллик хизматлари зое кетмади. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланганлар қаторида Иброҳим Мақмудовнинг ҳам борлиги нафақат жамоасини, балки барча навоийлик ҳамкасбларини қувонтирди.

Бу эътибор эса тўлқинлар "сири"ни топган, ишда талабчан ва фидойи раҳбар, оилада ҳурматга сазовор ота, дўстларга садоқат билан қадр топган камтарин инсоннинг муборак 60 ёшига муносиб совға бўлди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ТАФАККУР СОҶИБИ

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган "Ибн Сино — қомусий тафаккур соҳиби" мавзудаги маърифат дарси тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятига бағишланди.

Дунё Абу Али ибн Синони тиббиётнинг буюк олими, деб билади. Улкан "Тиб қонунлари" энциклопедияси лотинчага тўлиқ таржима қилиниб, жами 40 марта чоп этилган. Бу асарнинг айрим қисмлари немис, инглиз ва француз тилларига ўтирилган.

Абу Али ибн Сино то абад элу юртимиз обрўйига обрў қўшиб бораверади. Биз бундай улуг аждоқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, оз. Бироқ бу буюк зотлар ҳаёти ва фаолияти елкамизга улар эришган юксак маънавий даражаларга мос бўлишдек маъсулйат ҳамда вазифа ҳам юклайди.

Ф. АДНАЕВ,
ДФХ полковниги

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И КОММУНИКАЦИЙ

проводит закупку оборудования системы видеонаблюдения, металлодетекторов, сборных павильонов и мониторов при проведении вступительных тестовых испытаний в бакалавриат высших образовательных учреждений республики

Закупка осуществляется по следующему лотам:

лот №1 — поставка и установка оборудования системы видеонаблюдения.

лот №2 — поставка металлодетекторов.

лот №3 — поставка и установка сборных павильонов.

лот №4 — поставка мониторов.

Заказчиком закупки является Мининфоком.

Предложения на поставку товаров и услуг могут подать компании, являющиеся резидентами Республики Узбекистан и поставщиками закупяемого товара (далее — участники закупки).

Валюта платежа за поставку товара и выполнение услуг по Лотам №1, 2, 4 — национальная валюта Республики Узбекистан сум, по Лоту №3 доллар США.

Вместе с предложениями участники закупки по Лотам №1, №2 и №4 должны представить товар для тестирования. Тестирование товаров будет проводиться согласно Методики тестирования товаров. Результаты тестирования товаров по Лотам №1, №2 и №4 будут учитываться при оценке технических предложений.

Предложения должны быть под-



готовлены и представлены в соответствии с Требованиями по подготовке, предоставлению и рассмотрению предложений.

Товары и услуги, приобретаемые в рамках настоящей закупки, должны соответствовать Техническим требованиям.

По каждому Лоту отбор наилучшего предложения и определение поставщика, с которым будет заключен договор на закупку, осуществляется Комиссией заказчика, которая будет производить оценку предложений в порядке и на основании критериев оценки.

С участниками закупки, представивших наилучшее предложение, будет заключен договор закупки согласно проформы.

Предложения в запечатанном конверте должны быть представлены в Мининфоком до 15.00 часов "30" мая 2018 года по адресу: Ташкент, 100047, проспект Амира Темура, 4.

Контактное лицо для получения разъяснений по подготовке и представлению предложений: Куланов Удугбек 238-41-86, 238-43-82, u.kulanov@mitc.uz, sh.elchieva@mitc.uz и Касимов Бекзод 277-87-99 b.kasimov@infosec.uz

МИНИ-ФУТБОЛ-2018



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТЕРМА ЖАМОАСИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Соҳа корхоналарида фаолият юритаётган ходимлардан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича Кучма кубок учун Тошкент вилояти терма жамоаси жорий йилнинг 17 май куни Сирдарё вилоятида саралаш мусобақасида иштирок этди. Видеот терма жамоаси таркиби "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали ва ТШТУМ ишчи-ходимларидан шакллантирилди.

Саралаш ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди:

Сирдарё — Жиззах	2:4
Сирдарё — Тошкент вилояти	6:5
Тошкент вилояти — Жиззах	8:5

Гуруҳ жадвали:	Ў	Ф	Д	М	Г/Н	+/-	О
Тошкент вилояти	2	1	0	1	13-11	+2	3
Жиззах	2	1	0	1	9-10	-1	3
Сирдарё	2	1	0	1	8-9	-1	3

Тошкент вилояти терма жамоаси республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2016 йилда Азизбек МАЖИДОВ номига берилган 41319-16 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ АХБОРОТ

улардан ёшларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари

“Қонун эндиликда болаларнинг ахборот олиш, тайёрлаш ва тарқатиш ҳуқуқларини кафолатлаб, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Глобаллашув даврида ёш авлодни ўз ҳаётини позициясига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга қодир, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашда таянч бўла оладиган шахслар қилиб тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ушбу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун республикамизда Ёшларга оид давлат сиёсати, шунингдек, мазкур соҳага оид бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Ушбу ҳаётини заруратни янада жадаллаштириш мақсадида мамлакатимизда 2017 йилнинг 8 сентябридан эътиборан яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни кучга кирди.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад, оммавий ахборот воситалари ҳамда умумфойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқлари орқали тарқатилаётган ахборот, рекламалар, электрон ва компютер ўйинлари, кино, видео ва бошқа аудиовизуал маълумот ва материалларни болаларнинг онги, руҳияти ва маънавиятини ташқи таъсирлардан қонуний ҳимоя қилишдир.



Қонун эндиликда болаларнинг ахборот олиш, тайёрлаш ва тарқатиш ҳуқуқларини кафолатлаб, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Улар онгига қаратилган яширин ва ошқора таъжовуларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ талаб ва вазифаларга ҳам тўла-тўқис мос келади.

6 боб ва 27 моддадан иборат қонунни қабул қилиш жараёнида “Бола ҳуқуқлари декларацияси” (1959), БМТнинг аёллар ва болаларни фавқулодда ҳолатлар ва қуролли тўқнашувлар пайтларида ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация (1974), Болалар ҳаётини, муҳофазасини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги Умумжаҳон декларацияси (2000), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989) каби 50дан зиёд халқаро ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди ва улардан энг мақбуллари қонунда ўз аксини топди.

Шунинг баробарида, қонунда Ўзбекистон Республикаси то-

монидан халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига, ҳусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси доирасида турли ахборот манбалари орқали болаларнинг руҳий, жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этувчи, зуравонлик, шафқатсизлик, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, турли хил зарarli одатларга ундайдиган ахборотлар тарқалишига зарурий чекловлар белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, Президентимизнинг фармон ва қарорлари кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жумладан, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишларига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир.

Азизбек КИШИВАЛИЕВ,
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Фарғона вилояти ҳудудий инспекцияси инспектори

МАСЛАХАТ

Банан саломатлигимиз учун жуда зарур мева. Лекин, унинг пўстлоғи ҳам фойдали эканлигини кўпчилик билмас экан. Масалан:

ПОЙАБЗАЛНИ ТОЗАЛАШДА

Бунинг учун пўстлоқнинг юмшоқ томони билан оёқ кийимингизни ишқалайсиз. Натижала у махсус крем билан ишлов берилгандек, ярқирай бошлайди. Демак, банандан икки томонлама фойда олишимиз мумкин: ишга келгандан сўнг фойдали банан мевасини истеъмол қиламиз ва унинг пўстлоғи ёрдамида оёқ кийимимизга ажойиб кўриниш берамиз. Банан пўстлоғидан фойдалангандан сўнг, оёқ кийимини юмшоқ латта билан артиш тавсия этилади.

КУМУШНИ ЯРҚИРАТИШДА

Банан пўстлоғи кумушни ҳам тозалаш хусусиятига эга. Вақт ўтиши билан кумуш, айниқса, биз ҳар кун тақиб юрадиган кумуш тақинчоқларимиз қорая бошлайди. Улар яна асл ҳолига қайтишини истасангиз, банан

Банан: унинг пўстлоғи ҳам фойдали

пўстлоғини майдалаб, унга бироз сув қўшин. Сўнгра юмшоқ латта бўлагини аралашмага ботириб, кумуш буюмини у билан артинг. Шундан сўнг, уни ювиб, юмшоқ латта ёрдамида қуритинг.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИҚИШДА

Банан пўстлоғининг юмшоқ томони билан декоратив гулларнинг барглари артиш, шунингдек, ундан ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Пўстлоқ фойдали микроэлементларга бойлиги сабаб ажойиб ўғит бўла олади. Бунинг учун уни бўлақларга бўлиб, ўсимлик атрофидаги тупроқ остига қўйиш киёфия. Хона гуллари учун эса уни қуритиб, майдалаб, тупроқ остига жойлаштириш лозим.

АЖИНЛАРГА ҚАРШИ

Банан пўстлоғининг юмшоқ томони билан юз териси артилганда, у терига зар-

рур намликни бериб, майда ажинлардан қутулишингизга имкон беради. Пўстлоқ билан юзингизни артганингиздан бироз вақт ўтиб, унга крем суриш мумкин.

ТИШЛАРНИ ОҚАРТИРИШДА

Банан пўстлоғи калций, фосфор ва магнийга эга бўлганлиги учун ундан тишларни оқартиришда ҳам фойдалансангиз бўлади. Яхши натижага эришиш учун кунига икки марта унинг юмшоқ томонини 2 дақиқа давомида тишларга ишқалаш лозим. Бу усулдан олдин ва кейин тишларни тиш пастаси билан ювиш тавсия этилади.

ЗИРАПЧАДАН ҚУТУЛИШДА

Ажойиб таъсир кўрсатувчи банан пўстлоғи ёрдамида тери остидаги зирапчадан халос бўлиш мумкин. Бунинг учун уклашингиздан аввал зирапча кириб қолган



ва сизга кўринмаётган тери устига банан пўстлоғининг бир парчасини қўйиб, бинг билан боғлаб қўйинг. Қарабсизки, тонгда зирапча сизга кўриниб қолади ва ундан осонгина халос бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари, терининг тирналган, қуёшда қуйган ва чивинлар қаққан қисмларига банан пўстлоғини суриш орқали оғриқдан қутулиш мумкин.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОМУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Саидгани НАСРЕТДИНОВ, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоис келишилган нарҳда.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-543 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3348 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толдмаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмонов ЙҮЛДОШЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.